

“БОЛАСЎЗ”
ТОШКЕНТДА
НАШР ҚИЛИНДИ

5-бет

ДОШҚОЗОН –
ТАРИХИМИЗ ВА
ФАХРИМИЗ

7-бет

ЭЛ БИРЛИГИ
ЙЎЛИДАГИ
ШАРАФЛИ МЕХНАТ

8-бет

ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК
УФҚЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА

Жетисай ва Саригочда тўқимачилик саноатини ривожлантириш борасида Ўзбекистон компаниялари билан музокаралар олиб борилмоқда.



Бу ҳақда ҚР Бош вазири Ўлжас Бектеновнинг Сенат депутатлари саволига берган жавобида айтилди.

– Вилоятлар ҳокимликлари томонидан чегарага яқин аҳоли манзиллариغا сармоядорларни жалб этиш ҳисобига сармоявий лойиҳаларини амалга ошириш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Алматы вилояти чегараси яқинидаги Уйғур туманида крахмал ишлаб чиқарувчи завод ва иссиқхона барпо этиш бўйича сармоявий лойиҳа амалга оширилмоқда. Шунингдек, келгусида замонавий чорвачилик мажмуаси қуриш лойиҳаси ҳам амалга оширилади, – деди Ўлжас Бектенов.

Бундан ташқари, Ҳукумат раҳбарининг сўзларига кўра, Сингапурнинг «Kogseem» компанияси иштирокида Жамбил вилоятининг Қўрдай туманида чегара яқинида цемент ишлаб чиқариш бўйича сармоявий лойиҳа амалга оширилади. Айни пайтда қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Шунингдек, Қўрдай туманида Германия компанияси иштирокида «Monterra Qasaqstan» МЧБнинг кон-металлургия комбинати қуриш ва олтин конларини ўзлаштириш бўйича сармоявий лойиҳаси амалга оширилди.

– Ўзбекистон Республикасининг «Global Textile», «Gurlan Global Teks» ва «Tulpar Textile» компаниялари билан Туркистон вилояти чегараси яқинидаги Жетисай ва Саригоч туманларида пахта-қоғози қайта ишлаш корхонаси ва тўқимачилик фабрикаси барпо этиш бўйича музокаралар олиб борилди. Бундай сармоявий лойиҳалар бошқа минтақаларда ҳам амалга оширилмоқда, – деди Бош вазир.

» Миллий қурултойда
кўтарилган ташаббуслар

ОЛИС БЎЛСА ҲАМ ТЎҒРИ ЙЎЛДАН БОР

Давлат маслаҳатчиси Ерлан Қарин Миллий қурултоининг учинчи сессиясида кўтарилган ташаббусларни амалга ошириш жараёни бошланганини маълум қилди.



– Давлат раҳбари Атировдаги нутқда қиморбозликка қарши кураш тўғрисидаги қонун лойиҳаси Парламентнинг жорий сессияси тугагунга қадар қабул қилиниши кераклигини таъкидлади. Бугун Мажлиснинг ижтимоий-маданий тараққиёт қўмитаси “Уйин бизнеси, лотерея ва лотерея хизматлари тўғрисидаги” Қонун лойиҳасини ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга илова қилинадиган ўзгаришларни тақдим этди. Лойиҳа билан “AMANAT” партияси фракцияси раҳбари Елнур Бейсенбаев таништирди, – деди Ерлан Қарин.

Унга кўра, депутатлар ташаббуси билан ишлаб чиқилган қонун лойиҳалари одамларни қимор уйинларига қарамликдан асрашга қаратилган.

– Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳаси муҳокамасида биринчилардан бўлиб бу масалани жамоатчилик ўртасида кўтарган Миллий қурултои ва Президент ҳузуридаги Ёшлар сиёсати кенгаши аъзолари иштирок этди, – деди Ерлан Қарин.

“ЯШИЛ” САРМОЯЛАР ДАВРИ

ҚР Парламенти Сенатининг Аграр масалалар, табиатдан фойдаланиш ва қишлоқ ҳудудларини тараққиёт этириш қўмитаси депутatlари ҚР Экология ва табиий захиралар вазирлиги вакиллари билан учрашди.

Давлат томонидан “яшил” сармояларни жалб этиш ҳамда мавжуд илғор технологиялардан кенг фойдаланишни рағбатлантириш доирасида “Экология кодекси”нинг мамлакатда жорий этилиши кун тартибидеги асосий масала бўлди. Қўмита раиси Али Бектаев “Экология кодекси” 2021 йилда қабул қилинганини таъкидлади. Бу йўналишда бир неча йиллардан буён кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Натижда ҳужжатда илғор ҳалқаро тажрибага асосланган стратегик қоидалар мажмуи тасдиқланди.

– “Экология кодекси”нинг асосий мақсадларидан бири – атроф-муҳитга салбий таъсирни камайтиришдир. Бунинг учун саноат корхоналарини техник жиҳатдан замонавийлаштириш режалаштирилган эди. Улардан бири яшил сармояларни кўнлаб-қувватлашнинг энг яхши мавжуд техникаси ва усуллари босқичма-босқич жорий этишдир. Ушбу меъёрларни ҳаётга татбиқ этиш кодексда босқичма-босқич белгилаб қўйилган, – деди Али Бектаев.

ҚР Экология ва табиий захиралар вазирининг ўринбосари Мансур Ушурбаев, ўз навбатида, “Экология кодекси” замонавий экологик сиёсат йўналишидаги муҳим қадам бўлиб, атроф-муҳитни яхшилаш ва экологик мувозанатни сақлаш борасидаги сазй-ҳаракатларнинг ажралмас қисми сифатида яшил технологияни жорий этиш дастакларини назарда тутаетганини таъкидлади.

Тадбирда, шунингдек, экология, саноат ва қурилиш, миллий иқтисодиёт, савдо ва интеграция вазирликлари, Давлат даромадлари қўмитаси раҳбарияти, шунингдек, Қозоғистон Тараққиёт Банки, илмий-тадқиқот институтлари вакиллари ҳамда ушбу соҳадаги мутахассислар иштирок этди.

Жанубий Қозоғистон



1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2024 йил 30 март, шанба, №35 (3381).

ЖАҲОНГА БАРҚАРОР САВДО-МОЛИЯВИЙ ТИЗИМ КЕРАК



ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ АНЖУМАНИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

Қасим-Жўмарт Тўқаев Хитойнинг Хайнань вилоятида ҳар йили ўтказиладиган Боао (Ғарбий Давос) Осие анжумани (БОФ)нинг очилиш маросимида иштирок этди. Бу йил 23-анжуман “Осие ва жаҳон: умумий даъватлар, умумий масъулият” шиори остида ўтказилди.

Қозоғистон Президенти тадбирда фахрий меҳмон сифатида нутқ сўзлади.

Давлат раҳбари анжуман иштирокчиларини кутлар экан, мураккаб геосиёсий вазият ва иқтисодий таназзул кучайиб бораётган мисли кўрилмаган дунёвий мавҳумлик даврида мазкур платформанинг мулоқот ва халқаро ҳамкорлик маркази сифатидаги муҳим аҳамиятини таъкидлади.

– Жорий ўн йилликнинг ўрталарига бориб, дунёвий ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши сўнгги 30 йилдаги энг куйи кўрсаткич бўлиши тобора ойдинлашиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиёти олдида

турган жиддий муаммолардан бири етакчи давлатлар ўртасидаги савдо муносабатларидаги кескинлик бўлиб қолмоқда. Протекционистик сиёсат (давлатларнинг ўз миллий иқтисодиётини чет эл рақобатидан химоя қилишга қаратилган иқтисодий сиёсат) ва авж олган савдо можаролари дунёвий таъминот занжирларини бузмоқда, иқтисодий ўсишни тўхтатиб, сармоядорларнинг ишончини йўқотмоқда. Кўри-ниб турибдики, жаҳон иқтисодиёти дунёвий ислохотларга муҳтож.

Бу муаммони ҳал қилмасак, келгуси ўн йилликда имкониятларни бой бериб қўйишимиз мумкин, – деди Қ. Тўқаев.

Давлат раҳбари таъкидлаганидек, бу борада Осие барқарор тараққиётнинг янги даврига собитқадамлик билан бормоқда.

– Жорий йилда жаҳон ялпи ички маҳсулоти ўсишининг 60 фоизи Осие улусига тўғри келиши кутилмоқда. Қитъа дунёвий савдонинг 53 фоизини ташкил қилади ва жаҳондаги энг йирик ва энг жўшқин иқтисодиётларга эга. Сўнгги йилларда Осиега бевосита хорижий сармоялар сезиларли даражада ошди. Бу ҳудудда патент ишланмаларининг 70 фоизини таъминловчи дунёнинг етакчи технология марказлари ҳам жойлашган. Қитъа муҳим инсон захираларига эга, дунёдаги 30та йирик шаҳардан

21таси Осиеда жойлашган. 2030 йилга бориб, 30 триллион доллардан фақат 1 триллион долларлари Ғарб иқтисодиётига тўғри келиши кутилмоқда. Бу омилларнинг барчаси жамланганда “Осие ренессанси”ни кўрсатади, – деди Президент.

Давлат раҳбари Осие минтақасида келгуси йилларда ҳам дунёвий ўсиш ва тараққиётга кўмаклашиш учун катта имкониятлар мавжудлигини таъкидлади.

– Шу билан бирга, Боао анжумани умумий иқтисодий тараққиётга эришиш учун Осие инновацион ёндашуви ҳаётга татбиқ этилганини яққол кўрсатмоқда. Шунингдек, ушбу учрашув Хитойнинг дунёвий тараққиёт йўлидаги нуқтаи-назарининг яққол рамзи сифатида эътироф этилди, – деди Қозоғистон Президенти.

(Давоми 3-бетда) »

ТУРКИЙ ОЛАМНИНГ МАДАНИЙ ПОЙТАХТИ АНАУ ШАҲРИ ҲАҚИДА НИМАЛАРНИ БИЛАМИЗ?

Анау шаҳри Туркманистон Республикасининг Аҳал вилояти марказидир. У Ашхободга яқин жойлашган. 2008 йилда шаҳар мажмуини олди. Аҳолиси 30 мингга яқин. Бугунги кунда бу ривожланган инфратузилмага эга ва жадал ривожланаётган замонавий шаҳар.

Бу жойнинг тарихи 7 минг йилдан зиёдрокдир. Замонавий шаҳар яқинида Анау маданиятига мансуб қадимий манзилгоҳлар харобалари бор. Тахминан бу тамаддун милoddан аввалги V-I минг йилликларда мавжуд бўлган. Шумер тамаддунининг замондоши.

Айрим археологик маълумотларга кўра, Анау тамаддуни милoddан аввалги 2-миг йиллик охирида Урта Осиёга келган кўчманчилар томонидан вайрон қилинган. Аммо қадимий даврларда (милoddан аввалги III аср) қурилган Анау қалъаси бугунги кунгача сақланиб қолган. Бу 10 метрли тепалиқда кўтарилган бир хил доирадир. Қалъанинг диаметри тахминан 300 м. атрофида минора деворларининг қол-



диқлари, шунингдек, асрлар давомида тўлиб қолган чуқурлик мавжуд.

Ҳозиргача фақат бир неча қадимий бинолар сақланиб қолган, улардан энг машҳури Сайид Жамолиддин масжидидир. У XV асрда қурилган, бироқ 1948 йилдаги Ашхобод zilзиласида қаттиқ вайрон бўлган ва бугунги кунда унинг тикланган қолдиқларигина қолган. Бироқ, масжид ўз аҳамиятини сақлаб қолди ва ҳамон сайёҳлар ва тадқиқотчилар учун катта қизиқиш уйғотмоқда. Бунгача масжид мажмуаси масжиднинг ўзи, Шайх Жамолиддин қабристонни ва баланд гумбазли залли иккита катта бинодан иборат

эди. Уларнинг асосий муваффақияти – олма дарахти шоҳлари билан ўралган аждаҳоннинг қайта тикланган қошинок ва «Гўзаллик уйи» деб номланган ёзувдир. Аждаҳо тасвири масжидлар учун хос эмас ва бу расмнинг Урта Осиёда қиёси йўқ. Бундай махсус расм пайдо бўлишининг сабаби узоқ вақтдан буён тадқиқотчиларни ҳайратда қолдирди.

Албатта, масжидда сариқ аждаҳоннинг пайдо бўлишини тушунтирувчи гўзал афсона ҳам йўқ эмас. Унинг сўзларига кўра, қишлоқ аҳолиси аждаҳонни ўлимдан қутқариб қолгач, олтин совға қилган, шунинг учун масжидда аждаҳо сурати чизилган. Ушандан буён аждаҳо қишлоқнинг тимсолига айланган, аҳоли унга сажда қилади ва афсона авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Эслатиб ўтамуз, 2023 йилнинг декабрь ойида ТУРКСОЙ Озарбайжоннинг Шуша шаҳрида Анау шаҳри туркий оламнинг 2024 йилги маданий пойтахти деб, тантанали равишда эълон қилган эди.

24.kz.



ВИЛОЯТИМИЗ ЎҚУВЧИЛАРИ – ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Жетисай туманидаги 7-сонли “Турон” мактаб-гимназиясининг 5-синф ўқувчилари Жандарбек Инжу ва Беркимбай Асилзат Бирлашган Араб Амирликларида ўтказилган ментал арифметика бўйича халқаро мусобақада иштирок этиб, совринли ўринни эгаллашди.

Юртимиз шарафини юксалтирган икки чемпион вилоятимизда билимли ўқувчилар мавжудлигини яна бир қарра исботлашди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

24.kz.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати хабар қилади:

Сўнги йилларда Туркистон вилоятида кўп қаватли уй-жой бинолари жадал барпо этилмоқда. Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди қурилиш майдонларидаги ишлар билан танишди. Қурилиш учун масъул пудратчи компаниялар раҳбарлари билан мулоқотда бўлиб, уларга қатор вазифалар юклади.

Туркистоннинг маъмурий ва тадбиркорлик марказида кўп қаватли уй-жой биноларини жадал қуриш режаланган. Ҳозирги кунда қурилиш ишлари "ЕвроРемонт-Сервис", "Жаңа арна қурилиш" "Shymkent Build", "PANA QURYLYS GROUP", "ОТАУ GROUP" МЧБлар томонидан олиб борилмоқда.

Жорий йилда вилоятда жами 114та кўп қаватли уй-жой биноларини фойдаланишга топширилган. Шу жумладан, 41та уй ва 2820та квартира давлат бюджети

ҳисобидан қурилмоқда. 73та уй, 3611та квартираларнинг қурилиши хусусий сармоядорлар ҳисобидан ташкил этилмоқда. 2023 йилда вилоятимизда 87та кўп қаватли уй фойдаланишга топширилди. Шу шумладан, 57та уй ва 3051та квартира давлат бюджети ҳисобидан, 30та уй ва 300та квартира хусусий тадбиркорлар ҳисобидан фойдаланишга топширилган.

Умумий ҳисобда 900 минг квадрат метрга яқин уй-жой фойдаланишга топширилиб, 3 мингга яқин оила янги квартираларга эга бўлди. Шунингдек, 55та уй-жой биноси ҳам тўлиқ таъмирланди.

БУНЁДКОРЛИКНИНГ ҚИЗҒИН ПАЛЛАСИ



Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди шахсий масалалари юзасидан навбатдаги фуқаролар қабулини ўтказди. Қабулда ҳуқуқ-тартибот идоралари ва вилоят ҳокимликлари раҳбарлари ҳамда масъул туман ва шаҳар ҳокимлари иштирок этиб, муаммолар атрофлича ўрганилиб, муурожаатларининг аксарияти ижобий ҳал қилинди. Вилоят раҳбари ҳар бир фуқаронинг муаммосини диққат билан тинглаб, уларни самарали ҳал этиш йўллари тушунтириб, мутасадди раҳбарларга аниқ топшириқлар берди.

ҲОКИМНИНГ ШАХСИЙ ҚАБУЛИДА

Минтақа раҳбарининг бевосита қабулига ёзилганларнинг муурожаатлари кўп. Уларнинг аксарияти ижтимоий ёрдам, ер ва субсидия сўраб келган. Хусусан, чордаралик фуқаро баҳорги экинлар экиш учун ижтимоий насия ажратилмаётганлигидан шикоят қилди. Масъул бошқарма томонидан масала тушунтирилди. Сайрамлик аёл иш ўрнини алмаштиришда ёрдам сўради. Унга бугунги кунгача бир нечта таклифлар йўллангани аниқланди. Ўрдабоши туманидан қабулга ёзилган фуқаро ҳуқуқ-тартибот идоралари устидан шикоят қилди.

Вилоят аҳолиси онлайн тарзда боғлиниб, саволлар билан муурожаат қилиши. Фуқароларни диққат билан тинглаган вилоят ҳокими ҳар бир муаммони масъул шахслар атрофлича ўрганиб, ечими топилгунча қадар ўз назоратида бўлишини таъкидлади. Ҳуқуқий йўллари тушунтириб берди. Барча таклиф ва муурожаатлар баённомага киритилди.

ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН...



Туркистонда қад ростлаётган иншоотлар қурилиши вилоят ҳокими Дархан Сатибалдининг назоратида. Минтақа раҳбари Туркистон шаҳрини пиёда оралаб, қурилиш майдонларига борди. Даставвал, қурилиш жадал юритилаётган боғдаги ишларни назорат қилган минтақа раҳбари шаҳар ҳокими билан пудратчи муассасалар қурувчиларига, раҳбарларига аниқ топшириқлар юкледи.

– Истироҳат боғида кўчатлар ўтқизишда аниқ тизим, мантиқ бўлиши жоиз. Минтақамиз иқлимига мос ниҳолларни кўпайтиришлар. Кўкаламзорлаштиришга эътибор қаратинглар. Бу масалалар қатъий назоратга олинган, – дея Дархан Сатибалди пудратчи ҳамда мутахассисларнинг тавсияларини ҳам тинглади.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда қиёси йўқ ушбу боғда тропик ўсимликлар, дарахтлар етиштирилади. Махсус иссиқхона иморатида боғ йил мобайнида ям-яшил бўлиб туради.

Туркистон шаҳрида сунъий кўл барпо этилмоқда. Бугунги кунда Туркий оламнинг сайёҳлик пойтахтида ҳордиқ манзилларининг сони кўпаймоқда.



ДАРХАН САТИБАЛДИ КЎЧАТ ЎТҚАЗДИ

Шулардан бири – "Янги шаҳар" ҳудудидаги сунъий кўли бўлиб, дендростироҳат боғининг қурилиши жадал олиб борилмоқда. Хусусан, бугунги кунда вилоят раҳбарияти томонидан берилган оғоҳлантиришлар ва камчиликларни бартараф этиш ва кўкаламзорлаштириш тадбирлари амалга оширилмоқда. Лойиҳаловчи муассаса – "МПК Проект" МЧБ. Умумий майдони 12,7 гектардан иборат сунъий кўлнинг пудратчиси – "Павлодарский речной порт" МЧБ.

Вилоят ҳокими Дархан Сатибалди

сунъий кўл атрофига ниҳол ўтқазиб, кўкаламзорлаштириш тадбирини кўллаб-қувватлади. Пудратчи ишларни сифатли ҳамда қисқа муддатда яқунлашни топширди. Сунъий кўли бор истироҳат боғи Туркистон шаҳридаги жозибали ҳордиқ масканларининг бирига айланиши шубҳасиз.

2021 йили қурилиши бошланган мазкур кўлни жорий йил май ойида фойдаланишга топшириш режаланмоқда. Қурилиш майдонидagi ишларга 20га яқин одам ҳамда 2та техника сафарбар этилган.

1000 ТУП ДАРАХТ ЎТҚАЗИЛДИ



Саврон тумани, Чўрноқ қишлоғида "Кўчат ўтқазиш – эзгу иш" тадбири ўтди. Туркистон вилоят маслаҳати депутати Баймахан Сулейменовнинг ташаббуси билан ўтган эзгу тадбирда Саврон тумани ҳокими Мақсат Танғатаров, вилоят маслаҳати раиси Нурали Абишов, вилоят маслаҳати депутatlари, "AMANAT" партиясининг туман филиали раиси Сағинбек Асилбеков, туман маслаҳати раиси Сержан Байсабаев, зиёлилар, ёшлар қатнашди.

Тадбир доирасида "Чўрноқ" масжидининг 3,5 гектар ерига 1000 туп кўчат ўтқазилди. Бу жой келажақда истироҳат боғига айланади.

КУНДАН КУН ЯХШИ

ВИЛОЯТНИНГ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЯХШИЛАНМОҚДА

Жорий йилнинг январь-февраль ойларида вилоятимизнинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлари куйидагича шаклланди:

Саноат соҳасида ишлаб чиқариш ҳажми 192,5 млрд. тенгеге етиб, юксалиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 103,9 фоизни ташкил этди.

Қайта ишлаш саноатида 80,5 млрд. тенгелик маҳсулот ишлаб чиқарилди, бу ўтган йилнинг тегишли даврига нисбатан 111,6 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги соҳасида 82,6 млрд. тенгелик маҳсулот етиштирилиб, юксалиш 102,9 фоизни ташкил этди. Чорвачилиқда – 68,5 млрд. тенге, деҳқончилик – 13,1 млрд. тенге.

Жами, вилоят иқтисодиётига 75,1 млрд. тенге сармоя жалб этилиб, юксалиш 153,8 фоизни ташкил этди. Шу жумладан, хусусий сармоялар ҳажми 59,7 млрд. тенгени ташкил этди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,3 барабар кўпдир.

Қурилиш тадбирлари ҳажми 16,2 млрд. тенгеге етди, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,8 фоизни ташкил этди. Фойдаланишга топширилган уй-жойларнинг умумий майдони 85,9 минг квадрат метрга етди ёки 108,9 фоизни ташкил қилди.

Туркистон шаҳридаги 28-сонли мактаб-лицейида "Бадастир мактаб" миллий лойиҳасига бағишланган кўрғазма уюштирилди.

"БАДАСТИР МАКТАБ" ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Вилоят тадбиркорлар палатаси ташаббускорлигида кўрғазмага вилоят ҳокимининг ўринбосари Нуралхан Кўшеров, ҚР уюшган жиноятчиликка қарши иш-ҳаракат агентлигининг Туркистон вилояти бўйича департаменти оғоҳлантириш бошқармаси раҳбарининг ўринбосари Сабит Асилбек иштирок этди.

Кўрғазмада миллий лойиҳа доирасида барпо этилаётган мактабларни бутлаш учун жиҳозлар тавсия этилди. Нуралхан Ўралбайули бошлаган ишчи гуруҳ аъзолари ташриф чоғида жиҳозлар турлари билан танишишди. Миллий лойиҳада иштирок этиш учун товар ишлаб чиқарувчиларда ин-

дустриал сертификат бўлиши жоиз. Яъни миллий лойиҳага кўра, мактабнинг барча иморатлари ҳамда жиҳозлари қулай, хавфсиз бўлиши даркор.

"Бадастир мактаб" миллий лойиҳасини амалга ошириш бўйича дирекция сифатида «Samruk-KazynaConstruction» ҲЖ жиҳозларини «Самұрық-Қазына» миллий фаровонлик жамғармаси» ҲЖ ва «Атамекен» Миллий тадбиркорлар палатасининг мамлакат ишлаб чиқарувчилари рўйхатидаги жисмоний ва ҳуқуқий шахслардан харид қилади. Кўрғазмада минтақадаги «MegaSmart», «Ақниет Holding», «ОО Sert», «Туран» жиҳоз фабрикалари иштирок этди.

ЙИЛИГА 300 МИНГДАН ЗИЁД НИҲОЛ

Вилоят табиий захиралар ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси раҳбари Қайрат Абдуалиев Ўрдабоши туманидаги «Бодом ўрмон ва жониворлар оламини муҳофаза қилиш бўйича давлат қорхонасига ташриф буюриб, уруғчилик ва етиштирилаётган кўчат турлари билан танишди.

Ҳозирги кунда ниҳолхоналар 4 жойда ташкил этилган. Шимкент шаҳрида 1 гектар, Шимкент ўрмон хўжалигининг Бўржар ҳудудида 2,5 гектар, Ўрдабоши тумани Темирлан аҳоли манзилида 5 гектар, Бўген ҳудудида 3 гектар ер ажратиш кўзланмоқда. Бугунги кунда ўрмон хўжалигида 20дан зиёд турли дарахт ва бута кўчатлари етиштирилмоқда. Қорхонада ҳар йили 300 мингдан зиёд кўчат етиштирилади. Унинг умумий майдони 12 гектар. Бугунги кунда у тўлиқ ўзлаштирилди.

Жорий йилда "Яшил Туркистон" муассасаси, Ўрдабоши, Сайрам, Сўзоқ туманларини ободонлаштириш учун 42 мингдан зиёд кўчат бепул тарқатилди. Бугунги кунда 18 850 туп кўчат тайёр.

АРИСДА – ХОРИЖЛИК САРМОЯДОРЛАР

Арис шаҳри ҳокими Гулжан Қурманбекова Туркия Республикасидан ташриф буюрган «STF» компанияси вакиллари билан учрашди. Мазкур компания қишлоқ хўжалиги соҳасида сувни тежайдиган ускуналар ишлаб чиқариш бўйича етакчи.

Шаҳар ҳокими хорижлик сармоядорларга Арис шаҳрида саноат ривожланиб бораётгани, сармоядорлар учун қулай шароитлар яратилаётганини таъкидлади.

Учрашувда шаҳардаги йирик қорхона – «MEGA-AGAT» раҳбари Алишер Рустембек ва «STF» компанияси вакили Диш Ахмет қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масаласини муҳокама қилишди. Чунончи, компаниянинг ёмғирлатиб ва томчилатиб суғориш ускуналарини Арисда ишлаб чиқариш ташаббуси кўллаб-қувватланди.

Қишлоқ хўжалиги учун зарур ускуналар Арисда ишлаб чиқарилса, ҳомаше «MEGA-AGAT» қорхонасида тайёрланади, асосийси, янги иш ўринлари яратилади. Туркиялик ишбилармонлар Арис шаҳрининг логистика салоҳиятига юксак баҳо бериб, лойиҳани ҳамкорликда амалга оширишдан манфаатдор эканликларини таъкидлашди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ермек Кенжеханули раислигида қишлоқ хўжалиги соҳаси вакиллари, туман ҳокимлари ўринбосарлари ҳамда Марокаш чигирткасига қарши кураш штаби аъзолари иштирокида қишлоқ хўжалиги зараркундаларига қарши кураш масаласи муҳокама қилинди.

2024 йилда ўта хавфли Марокаш чигирткасига қарши олиб бориладиган тадбирларни ташкил этиш ва мувофиқлаштириш тўғрисида ҚР Қишлоқ хўжалиги вазирлигига қарашли давлат инспекция кўмитаси Туркистон вилоят ҳудудий инспекцияси раҳбарияти ҳамда "Тахминлаш маркази" РДК вакиллари маъруза қилишди.

2024 йилда вилоят ҳокимининг қарори билан минтақада қулай фитосанитария муҳитини таъминлаш мақсадида штаб ташкил этилди. Шу асосда барча туман ва шаҳарларда тегишли штаблар ташкил этилиб, профилактика тадбирларига ҳозирлик қўрилмоқда. Жорий йилда Марокаш чигирткасига қарши минтақада жами 271 575 гектар майдонда кимёвий ишлар режалаштирилган. Улардан 162 119 гектари ер усти пурқагичлари билан, 107 350 гектар майдон ҳаво билан, 706 гектар осма пурқагич, 1400 гектар майдонга эса учувчисиз учиш ускунаси билан ишлов берилади.

Кўмита томонидан 162 119 гектар майдонда

ЧИГИРТКАГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР



кимёвий ишлов бериш тадбирларини юритиш учун ўтказилган давлат харидлари танлови натижаларига кўра, Арисда – 17 150 га., Келесда – 16 650 га. ва Сариеоғ туманида – 17 300 га. майдонга, жами 51 100 гектарда "Satti tulik" МЧБ голиб деб топилди.

Айни пайтда 6та АН-2 самолёти иштирокида

107 350 гектар майдонда ҳаво орқали кимёвий тадбирлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда кўмита томонидан ўтказилган ҳавони кимёвий тозалаш ишларига давлат харидлари танлови яқунларига кўра, 53 675 гектар майдонда зарарсизлантириш ишларини "Авиаккомпания "Дельта-Ю" МЧБ олиб боради.

ЖАҲОНГА БАРҚАРОР САВДО-МОЛИЯВИЙ ТИЗИМ КЕРАК

ҚР ПРЕЗИДЕНТИ ОСИЁ АНЖУМАНИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Давлат раҳбарининг сўзларига кўра, бугунги кунда Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар самарали ҳамкорлик намунаси сифатида қаралмоқда. Мамлакатимиз Хитойнинг Марказий Осиёдаги асосий савдо-иқтисодий ҳамкорига айланди.

– Хитойнинг минтақадаги савдо ва сармоясининг ярми Қозоғистонга тегишли. Ўтган йили Қозоғистон ва Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 41 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу тарихий рекорд. 2023 йилда мамлакатларимиз ўртасидаги юк ташиш ҳажми 22 фоизга ошиб, қарийб 30 миллион тоннани ташкил этади. Бундан ўн йил муқаддам Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қозоғистонга ташрифи чоғида “Бир белбоғ – бир йўл” кенг кўламли мегалойиҳасини тақдим этган эди. Бу лойиҳа Шарқ ва Ғарб ўртасидаги асосий кўприк сифатида хизмат қилади ва Хитойдан Европага куруқлик орқали ташиладиган юкларнинг 80 фоизи Қозоғистон ҳудуди орқали ўтади. Биз ушбу муҳим устуникдан тўлиқ фойдаланишимиз керак. Ўз сармоямиз ҳам “Бир белбоғ – бир йўл” ташаббуси билан стратегик боғлиқ ва замонавий, логистик, экологик хавфсиз ва барқарор инфратузилмани яратишга қаратилган, – деди Президент.

Қасим-Жўмарт Тўқаев ўз нутқида мамлакатимизнинг янги иқтисодий йўналишига алоҳида эътибор қаратди.

– Ўтган йили мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши 5,1 фоизни ташкил этди. Бу жаҳон иқтисодиётининг тахминий ўсиш суръатларидан деярли икки баравар кўпдир. Биз ўрта муқаддатли истиқболда иқтисодий ўсишни камида 6 фоиз даражасида сақлаб қолишни ва 2029 йилгача унинг ҳажмини икки баравар оширишни режалаштирмакдамыз. Ушбу мақсадга эришиш учун мен янги иқтисодий йўналишни эълон қилдим. Ушбу ташаббус кучли ва жадал ривожланаётган давлатни барпо этишни кўзда тутадиган таркибий ислохотларни амалга оширишга қаратилган. Қозоғистоннинг очиқ эшиклар сиёсати, бой захиралар ва эркин бозор ислохотлари кўплаб хорижий, жумладан, хитойлик компанияларнинг эътиборини жалб қилди. Шу муносабат билан биз осийлик ҳамкорларимизни иқтисодиётимизга сармоа киритишга, ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг янги йўналишларини кўриб чиқишга таклиф қиламиз, – деди Президент.

Давлат раҳбари озиқ-овқат хавфсизлиги билан боғлиқ вазият ҳақида фикр билдирди.

– Дунё аҳолисининг тахминан учдан бир қисми ҳамон озиқ-овқат танқислигидан азият чеқмоқда. Марказий Осиёда ғалла етиштириш бўйича етакчи давлат бўлган Қозоғистон дунёвий озиқ-овқат барқарорлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳиятидан фойдаланиш ниятида. Биз мақсадли дастурлар яратиш, қўшма агроинновацион марказлар ташкил этиш ва инновацион технологиялар трансфери орқали халқаро ҳамкорликни кучайтиришимиз керак. Бунинг учун куч-ғайратимизни сафарбар қилишимиз даркор, – деди ҚР Президенти.

Қ. Тўқаев Осиё мамлакатлари ўртасида транспорт-транзит ҳамкорлигини мустаҳкамлаш катта стратегик аҳамиятга эга эканлигига эътибор қаратди.

– Мавжуд ва янги транспорт йўналишларини ривожлантириш учун максимал даражада ҳаракат қилиш жуда муҳим. Транскаспий халқаро транспорт йўналиши ёки “Ўрта йўл” ушбу тоифага киради. Ушбу транспорт йўналиши Осиё ва Европа ўртасидаги таъминот занжири хавфсизлигини янада самарали таъминлайди. Ўтган йили бу йўналишда юк ташиш икки баравар кўпайиб, 3 миллион тоннага етди. Келгуси йилларда бу кўрсаткич 10 миллион тоннага етишини башорат қилмоқдамиз. Шунингдек, Қозоғистон “Шимол-Жануб” йўлагини ривожлантиришда қўшни давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр, – деди Давлат раҳбари.

Қозоғистон Президенти технологик ҳамкорликни, айниқса, сунъий заковат соҳасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ўсишини таъминлаш муҳим деб ҳисоблайди. Шу муносабат билан Президент Хитойнинг “Сунъий заковатни бошқариш бўйича дунёвий ташаббуси”ни қўллаб-қувватлади.

Қозоғистон, шунингдек, қўшма инновацион IT лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Осиёнинг етакчи технологик гигантлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишдан манфаатдор эканлигини маълум қилди.

Давлат раҳбарининг таъкидлашича, энг муҳим ҳомашё турларини ишлаб чиқариш ҳамкорлигининг яна бир истиқболли йўналиши ҳисобланади.

– Нодир металллар кўплаб технологиялар учун жуда муҳим таркибий қисмларга айланди. Улар саноат, рақамли технологиялар, космик ва мудофаа каби стратегик соҳаларда чиқиндиларсиз даражага эришиш учун керак. Уран, литий, титан ва бошқа нодир унсурларнинг йирик конларини ўзлаштиришнинг энг самарали усулларида фойдаланиш мақсадида халқаро ҳамкорлар билан ҳамкорликни давом эттирамиз, – деди Қасим-Жўмарт Тўқаев.

Давлат раҳбари ўз нутқини яқунлар экан, Осиё ўзининг иқтисодий, технологик ва маданий афзалликларидан фойдаланган ҳолда дунёнинг келажақдаги тараққиёт йўналишларини белгилашда ҳал қилувчи роль ўйнашига ишонч билдирди. Шу билан бирга, Президент Боао Осиё форуми (БОФ) ва Астана халқаро форуми (АХФ) каби муҳим халқаро мулоқот платформалари катта амалий истиқболга эга эканлигини таъкидлади. Фурсатдан фойдаланиб, Қасим-Жўмарт Тўқаев БОФ муҳомналарини 2024 йил июнь ойида ўтадиган Астана халқаро анжуманига таклиф қилди.

Йўналишда БОФ директорлар кенгаши раиси Пан Ги Мун, Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий кўмитаси раиси Чжао Лэцзи, Науру Президенти Дэвид Аданг, Шри-Ланка Бош вазир Динеш Гунавардена, Доминика Ҳамдўстлиги Бош вазир Рузвельт Скеррит, “Оқсоқоллар кенгаши” халқаро нодавлат ташкилоти раиси Мэри Робинсон, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти Бош котиби Матиас Корман, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилоти бош директори Дарен Танг ва Камбоджа Қироллиги Халқ партияси раиси Хун Сен сўзга чиқди.

Akorda.kz.

Жорий йил Қозоғистон Республикаси маслаҳатларига 30 йил тўлади. Ушбу санани муносиб нишонлаш мақсадида вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов ташаббуси билан саккизинчи чақирик Туркистон вилоят маслаҳати депутатларининг хайрли тadbирлари ҳақида мақолалар эълон қилишни давом эттирамиз.

“Хайрли ишнинг савоби бисёр”, деганларидек, вилоят маслаҳати депутатлари Б. Сулейменов, Ғ. Елшибай, Е. Қўсмамбетов, Ғ. Райимбеков ҳамда Қ. Нишановларнинг амалга оширган ишларига тўхталамиз.

Вилоят маслаҳати депутати Б. Сулейменов Саврон тумани, Чўрноқ қишлоғидаги масжид қошидаги 3,3 гектар майдонга ўз ҳисобидан 1100 туп мевали дарахт кўчатларини ўтказди. Тадбирда вилоят маслаҳати раиси Н. Абишов ҳамда депутатлар иштирок этди.

Депутат Ғалимжан Елшибай Тўлебий туманидаги имконияти чекланган болалар учун Туркистон шаҳрига саёҳат уюштириди, журналистлар ўртасида ўтган боулдиз турнири, фахрий-журналист Байдулла Қўнисбекнинг 80 йиллигига бағишланган бильярд турнири ҳамда Мақтаарал туманидаги сув тошқиндан жабр кўрган фуқарога моддий ёрдам кўрсатди. Шунингдек, журналистика факультети талабаларига бериладиган Бейсен Қуранбек номидаги стипендиянинг топширилишига, Тўлебий тумани, Қасқасу қишлоғида масжид қурилишига ҳомийлик ёрдамини кўрсатиб, халқ фаровонлиги йўлидаги қатор эзгу тadbирларга бош бўлмоқда.

Халқ ноиб Эрман Қўсмамбетов ўз

ХАЛҚ НОИБЛАРИНИНГ ЭЗГУ ТАДБИРЛАРИ



ҳисобидан туғилиб-ўсган Арис шаҳрида истироҳат боғи барпо этиб, фойдаланишга топширди. Бугунги кунда ушбу маскан арисликларнинг сеvimли истироҳат боғига айланган.

Депутат Ғани Райимбеков Ўрдабоши туманида ўйингоҳ, йўл, мактаб, масжид қурилишларига ҳомийлик қилиб, эл-юрт эътирофига сазовор бўлмоқда.

Вилоят маслаҳатининг ёш депутатларидан бири Қанат Нишанов 2023 йил ўз маблағи ҳисобидан Тўлебий тумани, Зертас қишлоғи фуқароси, 4 кизини тарбиялаётган ёлғиз онага янги бошпана ҳада қилди.

Туркистон вилоят маслаҳати.

Вилоят ҳокими ўринбосари Ермек Кенжеханули раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ томонидан минтақада агросаноат мажмуасини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни тарғиб қилиш ва кенг тушунтириш мақсадида Қазигурт ва Саригоч туманларидаги хўжаликларда махсус йиғилиш ўтказилди. Тадбирда қишлоқ хўжалиги бошқармаси, “Қазушар” ва “Тўран су” муассасалари, ёқилги тақсимловчи операторлар ва молия ташкилотлари раҳбарлари иштирок этди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА ДОИР ДАСТУРЛАР ТУШУНТИРИЛДИ



Учрашувда деҳқон хўжаликларининг дала ишларига тайёргарлиги ва давлат дастурлари муҳокама қилинди. Жорий йилда баҳорги дала ишларини ташкил этиш учун 21,8 минг тонна ёқилгига буюртма берилди. 1-20 декабрь оралиғида баҳорги дала ишларини қўллаб-қувватлаш юзасидан ҳужжатлар қабул қилинди. Кўзги дала ишларига ариза 1-20 майгача қабул қилинади.

Қазигурт ва Саригоч туманлари аҳолиси мутасадди мутахассисларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан муурожаат қилишди.

Шу билан бирга вилоят ҳокими ўринбосарининг шахсий қабулида деҳқончиликка оид бир қанча масалалар муҳокама қилинди. Маҳаллий маҳсулотларнинг нархи, бозордаги рақобатбардошлиги пастлиги айтилди. Ёқилгини ўз вақтида тақсимлаш масаласи ҳам кўтарилди. Деҳқон хўжаликларига маҳаллий помидор ва

бодринга талаб камайиб бораётганининг сабаблари ва давлат томонидан кўрсатилаётган қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида кенг маълумот берилди. Барча давлат хизматлари Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг “Gosagro.kz” ахборот тизими орқали кўрсатилади.

Қайта ишлашга ўтказилган мажмуа ҳужжатлари ва иссиқхоналарни иситиш харажатларини, харид қилинган уруғлик, ўғитлар, пестицидларни имтиёзли ёнилги-мойлаш маҳсулотлари ва сув таъминоти хизматларини субсидиялаш амалга оширилади. Бундан ташқари, устувор қишлоқ хўжалиги экинлари етиштиришни ривожлантиришни субсидиялаш дастури орқали саноат ва деҳқон хўжаликларининг иссиқхоналари ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланади.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

МАКТАБЛАРАО МУСОБАҚА УЮШТИРИЛДИ

Наврўз байрами муносабати ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш мақсадида, Сайрам даҳасидаги “Астана” умумий ўрта мактабининг жисмоний тарбия ўқитувчилари Худойёрхон Имомрасулов, Маҳаммад Тошматов, Ҳамиджон Расулматовларнинг ташаббуси билан ҳудуддаги 16та мактаб жамоалари ўртасида спорт мусобақаси уюштирилди. Унда иштирокчилар бир неча спорт турлари бўйича беллашдилар.



Тадбирга “Мурагер” бирлашмасининг Сайрам даҳаси раиси Зокиржон Тўйметов, раис маслаҳатчиси Аббос Шомирзаев, аъзолари Қобулжон Умаров, Каримқул Зариббоев, Орзимат Ашурматов, стол тенниси бўйича бир неча карра Қозоғистон чемпиони Тўймурод Эшимовлар таклиф этилиб, улар ватанпарварлик, Она Ватанга муҳаббат, спортнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида мазмунли фикрлари билан ўртоқлашди.

Мактаб ота-оналар кўмитаси раиси Ашурматов Тожибоев ва фаоллар Тolibбой Ниёзхўжаев

ҳамда Ниёзмат Ирисматовлар барча қўлайликларга эга мактабни барпо этган Низомхон Сулаймоновга миннатдорчилик билдиришди.

Мусобақа якунига кўра, 1-ўринни 71-сонли мактаб жамоаси, 2-ўринни 110-сонли чемпиони Тўймурод Эшимовлар таклиф этилиб, улар ватанпарварлик, Она Ватанга муҳаббат, спортнинг ҳаётимиздаги ўрни ҳақида мазмунли фикрлари билан ўртоқлашди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!



КЎЧАТ ЭКИБ, БОҒ ЯРАТ!

19 март куни туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳар ҳокимлиги уюштирган шанбаликда ўзбек этномаданият бирлашмаси аъзолари ҳам фаол иштирок этиб, даракт кўчатларини ўтказдик.

Шаҳар ҳокими ўринбосари Мекенхан Қирқбаев етакчилигида шаҳар ҳокимлиги, прокуратура, полиция бошқармаси ҳамда турк этномаданият бирлашмаси вакиллари – барчамиз аҳиллик билан шаҳарни кўкаламзорлаштиришга,

Наврўзи оламни муносиб қарши олишга ҳисса қўшганимиздан беҳад мамнунмиз.

Халқимизда улкам ҳусни гул-дарахт, кўчат экиб, боғ ярат, деган ҳикматли гап бежиз айтилмаган.

Р. ҚЎЧҚОРОВ,

Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси.

Тасвирда: тadbирдан лавҳа.

САЙРАМ ТУМАНИДА НАВРЎЗ НИШОНЛАНДИ

Сайрам туманида Улуснинг Улуғ куни – Наврўз байрамига бағишланган тadbир ўтди. Янгиланиш ва эзгулик рамзи, ушбу қутлуғ айём туман аҳолиси томонидан ҳам ўзгача қувонч билан қутиб олинди.

Байрам дастури Оқсувкент қишлоғидаги Марказий истироҳат боғида Хизр бобонинг “Улус хайрли бўлсин! Оқ мўл бўлсин!” деган оқ фотиҳаси билан бошланди. Туман ҳокими Арман Сабитов туман аҳолисини самимий тилаклар билан табриклади.

Тантана арафасида ўтовлар тикилиб, меҳмонлар дастур-



хоннинг асосий таомларидан бири бўлган Наврўз кўжа, қимиз ва бошқа қозоқ миллий таомларини татиб кўришди.

Тadbирда миллий услубдаги сахна кўринишлари, спорт мусобақалари, тош кўтариш, арқон тортиш, ошиқ отиш ўйинлари ташкил этилиб, энг кучлилар беллашди. Истеъдодли ёшлар эса томошабинларга яхши кайфият улашди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.



Мактабимизнинг билимдон ва зукко ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси Шаҳноза Отажонов ва 6-“А” синфида ўтказган «Хуш келдинг элимга, Наврўзи олам!» байрам тadbiri юқори савияда ўтди.

“ХУШ КЕЛДИНГ ЭЛИМГА, НАВРЎЗИ ОЛАМ!”



Бадий ҳаваскорларимиз томонидан тайёрланиб ижро этилган “Келин салом”, “Ким олади-ё”, “Сумалакнинг келиб чиқиши” каби сахна кўринишлари, лапарлар тadbирга файз бағишлади. Ота-оналар, ўқувчилар иштирок этган очиқ дарс ҳам мазмунли ва қизиқарли ўтди. Синф раҳбари Ш. Отажоновга улкан зафарлар ва маънавий йўлида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Ойдинниса ВАФОЕВА,
11-сонли “Ақин тума” умумтаълим мактаби.



»» Давлат дастурлари амалда

ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХА

Мен 6 йил муқаддам «Zhas Project» давлат лойиҳасида иштирок этиб, анча тажриба тўпладим.

Коллеж талабаси эдим, бир гуруҳ мутасаддилар даргоҳимизга келиб, мазкур дастур тарғиботини қилишди. Ёшлар ўртасида қандай бизнес-лойиҳалар ва гоёлар борлигини сўрашди. Давлатдан 1 миллион тенге грант сифатида берилиши ва уни ўша бизнес ташаббусни рўёбга чиқариш учун сарфлаш мумкинлигини айтишди. Мен қизиқиб қолдим. Уйда ота-онам билан маслаҳатлашдим.

– «Zhas Project» дастури – ижтимоий лойиҳалар ва бизнес гоёларни молиялаштириш орқали аҳолининг заиф қатламларида ёш фуқароларни, айниқса, қишлоқларда яшовчи ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ноёб лойиҳадир. Иштирокчи ҚР фуқароси бўлиши, ёши 18-35 ораллигида ва доимий ёки вақтинча мамлакат ҳудудида яшаш жойида рўйхатдан ўтган бўлиши керак. Ариза берувчи дастурда қатнашаётган пайтида ишсиз мақомига эга бўлиши шарт.

Ижтимоий тadbиркорлик нима, бизнес гоёларию, Қозоғистондаги ижтимоий ҳаёт асосларини ўргандим. Мен танлаган мавзу кўпроқ ахборий-тушунтириш соҳасига тааллуқли эди. Уша пайтдаги лойиҳалар-чи... Кимдир қишлоқда парранда етиштириб, маҳаллий иқтисодга ўз улушини қўшмоқчи, кимдир бемор чақалоқлар парвариш қилинадиган марказ (Астана) учун юнгли пайпоқлар тўкиб беришни мўлжалламоқчи... Хуллас, тақдим этилган ишлар бир-бирларини такрорламайдиган, турли-туман эди. Тузган режам билан танишган мураббийларим, унга юқори баҳо беришди.

Ниҳоят, комиссиядан тасдиқловчи қарор келди ва грантнинг бир қисми қўлимизга теккач, ишларимиз юришиб кетди. Шимкент шаҳридаги А. Кастеев номи рассомлик коллежи раҳбарияти билан шартнома тузиб, иқтидорли талабалар ўртасида танлов ўтказдик. Танловда уюшган жиноятчиликка оид расмлар чизилди. Ўқувчилардаги



қизиқиш, соҳага бўлган муносабатдан, рости, роса таъсирландим. Ушанда, оддий коллежда шунча иқтидорли ва истеъдодли талабалар ўқиётганига амин бўлдим. Раҳбарлари, айниқса, директор ўринбосари Шўлпан опа бизга яқиндан ёрдам берди. Устахоналарида ажойиб расмлар яратилди, кўргазмалар ўтказдик.

Биз гуруҳимиз, яъни шимкентлик уч қиз тadbирларимизни ажойиб тарзда ўтказдик, голиблар аниқланди, совға-саломлар бердик, хуллас, Кастеев коллежи аҳли бизни қувона-қувона қўллаб-қувватлади, голиб расмларни интернет тармоқларида айлантирдик, календарлар ишланди, билбордлар тайёрланди. Семинарлардаги фикр-мулоҳазалар, ташаббус-гоёлардан фойдаланган ҳолда видеолавҳа ишланди. Уни «Қазақстан-Шимкент» телеканалда ва интернет тармоқларида бир неча кун давомида намоиш этдик. Ажойиб актёрлар ролда телевидение журналистлари иштирок этишди.

Видеолавҳамиз молиявий полиция вакилларига ҳам ёқиб қолди, улар ҳам биз билан ҳамкорлик қилишди. Ҳуқуқшунослар билан ҳамкорлик қилиб, Жиноят кодексидagi порахўрликка оид моддалар тафсирига бағишланган тўпламларни нашр қилдирдик.

Бу жараён матбаа билан ишлашни ҳам ўргатди. Рисолаларни ёшларга тарқатдик (500та).

Хуллас, 4 ойча ҳаётим «Zhas Project» билан ўтиб, мазмунга тўлди. Ажойиб тенқурларим билан танишдим, ўзимга ишонч пайдо бўлди, қанча ташкилотларга бориб, катталар билан ишлашга ўргандим. Лойиҳалар ёзиш, ҳисоботлар тайёрлаш, бухгалтерия масалалари буйича билим ва тажриба орттирдим. Энг муҳими, оз вақт бўлса-да, жамиятга фойдам теғди. Қолаверса, лойиҳам маъқулланди, маблаг беришди.

Шаҳмира МАВЛОНОВА.



БАҲОР АЙЁМИ ШОДЛИК УЛАШДИ

Ўлкамизда Наврўз байрами кенг нишонланмоқда. Қарноқ қишлоғидаги Мансур Акешов раҳбарлик қилаётган “Чош-тепа” мактабида байрам кенг нишонланди.

Наврўз – миллий маънавиятимиз ривожидagi энг муҳим шодиёнадир. Байрамда миллий таомлардан сумалак, ҳалим, кўк сомса, кўк чучваралар дастурхон кўркига айланди. Урф-одатларимиз, кўҳна анъанамиз доирасида “кураш”, “арқон тортиш”, “тез айтиш”, “алла”, “оқ теракми-кўк терак” каби беллашувлар, қувноқ ўйин ва ашула, лапарлар ижро этилди.

Наргиза АБДУЛЛАЕВА,
ўзбек тили ва адабиёти муаллимаси.

Муаллиф суратга олган.



БАЙРАМ САЙҲОНЛИКДА НИШОНЛАНДИ



Келес туманида Наврўз айёми кенг кўламда нишонланди. 22 март куни Қўниртўбе аҳоли манзилида жойлашган сайҳонликда байрам тadbiri уюштирилиб, туман аҳолиси ва меҳмонлари, жами 10 мингдан зиёд одам тadbирни томоша қилди.

Бепоев яйловда 20та ўтов тикилиб, миллий ўйинларга мўлжалланган майдончалар очилди. Урф-одатларни акс эттирувчи сахналар намоиш этилиб, турли миллат вакилларининг куй-қўшиқлари янгради. Байрам иштирокчилари хунармандлар ва миллий таомлар кўргазмасини томоша қилишди.

Тadbир давомида Келес тумани ҳокими Жанибек Ағибаев сўзга чиқиб, байрам иштирокчиларини Наврўз билан табриклади. Тadbир туман маданият уйи санъаткорлари ижросидаги концерт дастурига уланиб кетди.

Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

»» Туркистон шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмасида

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШИ ЎТДИ

Райимжон Қўқоров раҳбарлик қилаётган шаҳар ўзбек этномаданият бирлашмаси фаолларининг дастлабки йиғилишида Туркистон шаҳридаги “Бирлик”, “Шавгар”, “Ясси”, “Саврон”, “Ўтрор”, “Бекзат” кичик туманлари вакиллари иштирок этиб, оқсоқоллар кенгашига фахрий отахон Тўлқин Саидмуродов раис, фаоллар Тойир Абдувалиев ва Хусан Убайдуллаевлар унинг ўринбосарлари этиб сайланди.



Бирлашма қошидаги санъаткорлар ва спорт уюшмалари раҳбарлари ҳам кўпчилик овоз билан тасдиқланди.

Республика танловлари ғолиби Нурмуҳаммад Йўлдошев санъаткорлар уюшмасига, республика ва халқаро даражадаги спорт устаси Раҳимжон Иброҳимов спорт ва жисмоний тарбия уюшмасига раҳбар этиб сайланиши.

Р. Қўқоровнинг тавсиясига кўра, жамоат ишларида фаол Хусан Маҳкамбоев ва Аваз Мирзахоновлар унинг ўринбосари лавози-

мига сайланиши. Тадбирда 35 йил муқаддам Эркин Искандар ўғли раҳбарлигида тарихий дошқозонни Ленинграддан Туркистонга олиб келишда бевосита иштирок этган меҳнат фахрийлари Абдусодиқ Абдуразоқов, Дадажон Жамолов, тадбиркор Маъмуржон Исҳоқовларнинг мулоҳазалари тинланди. Меҳнат фахрийси Илҳом Иброҳимов “Жанубий Қозоғистон” газетасида обунаси ва қатор масалалар юзасидан фикр билдирди. Р. Қўқоров билдирилган барча таклиф, мулоҳазалар ҚР қонунчилиги дои-

расида асосида амалга оширилиши ҳамда шаҳар ҳокимлиги мафкура бўлими билан тигиз фаолият юритилиши маълум қилди.

Жамоат ишларида масъул бўлиб сайланган ҳамюртларимизнинг барчаси “Жанубий Қозоғистон” газетасининг фаол обуначилари.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирда: фаоллар анжуманда.

Муаллиф суратга олган.

»» Тўйхат ўрнида

ОЛИМ СУРАТИГА АЙРИМ ЧИЗГИЛАР



Ҳамюртимиз, адабиётшунос олим сифатида элга танилган Адҳамбек Олимбеков ўзининг 70 ёшини қарши олмақда. У 1954 йили Шимкент вилоятининг Бўген туманидаги Коммунизм (эндиликда Қўштегирмон) қишлоғида таваллуд топган.

У Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаб, аспирантурада ўқишни давом эттирди. 1982 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилиб, филология фанлари номзоди илмий даражасини олди. Меҳнат фаолиятини ТошДУ (ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети)да бошлаб, талабаларга ўзбек ва жаҳон адабиёти фанларидан дарс берди. Кўплаб мақола ва ўқув дастурлари, монография, адабий рисоалар муаллифи Адҳамбек Олимбеков 1996 йили доцент, 2022 йили профессор унвонига сазовор бўлди.

Адабиётшунос олим 1976 йилдан буён адабий жараёнда фаол қатнашиб келмоқда.

Алишер Навоий, Оразий, Ойбек, Фахр Фулом, Миртемир, М. Шайхзода, Ибройим Юсупов, Муҳаммад Али, Азим Суян, Мирпўлат Мирзо ва бошқа ижодкорлар ҳақида илмий мақолалар, китобларга сўзбошилар ёзган. Унинг «Юлдузнинг беш қирраси» (2012, 2017, 2020), «Латиф шеърят» (2014), «Турк адабиёти» (2014), «Сўз чамани ичра наво кўргузиб» (2022) илмий монографиялари, «Чингиз Айтматов – дилдошимиз» (2018) адабий рисоалари илмий жамоатчиликда қизиқувчан уйғотди ва мутахассисларнинг яхши баҳосини олди.

А. Олимбеков ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга таржима қилишда ҳам фаол ташкилотчилик ишларини олиб бормоқда. У кейинги йилларда Шарқ таржимашунослиги тарихи, ўзбек таржимонлари, умуман таржимашуносликка оид китобларнинг тўловчиси, тақризчи сифатида ҳам танилди («Шарқ халқлари адабиётидан таржималар» (2013), «Таржима масалалари» (2014) ва ҳ.к.). Унинг ташкилотчилигида ўнга яқин ўзбек адибларининг китоблари хорижий тилларга таржима қилиниб, нашрга топширилган. Таржимашунослик мавзусида ёқланган иккита номзодлик диссертациясига илмий раҳбарлик қилган.

Устозга ижодий муваффақият, мустақкам соғлиқ, фан тараққиёти борасидаги фаолиятига барака тилаймиз. Илоҳим, фарзандларининг меҳр-оқибатини кўриб, узоқ умр кўриш насиб этсин!

Ёрмуҳаммад МАДАЛИЕВ,
М. Ауезов номидаги ЖҚУ доценти,
филология фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори,
Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва
ижтимоий фанлар академиясининг академиги,
Қозоғистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

»» Янги китоб

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси котиби, филология фанлари доктори, академик Қулбек Ергўбекнинг қарийб 500 саҳифалик “Боласўз” китоби Тошкент шаҳрида минг нусхада нашр қилинди.

Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир, таржимон Долимжон Сайфуллаев ўзбекчага ўйирган ушбу китобга ўзбекистонлик таниқли олим, педагогика фанлари доктори Қозоқбой Йўлдошев муҳаррирлик қилган.


Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси бошқаруви аъзоси, шоир Абдурахим Пратовнинг бевосита ташкилий кўмаги остида нашр қилинган ушбу китоб, шубҳасиз, Қозоғистон ва Ўзбекистон учун ардоқли адиб Носир Фозиловнинг кўп хизматлари сингган қардош халқлар

“Боласўз” Тошкентда нашр қилинди



адабиётлари ҳамкорлигининг давоми ҳамда амалдаги ёрқин намунаси сифатида бугунги адабиётимиз тарихидан муносиб ўрин олади. Ушбу китобда қозоқ болалар адабиётининг

пешқадам намояндаларининг ҳаёти, ижоди таҳлил қилиниши баробарида бир асрдан зиёд адабий тарих, ютуқлар, камчиликлар, шўро ҳукумати даврига хос муаммолар ўз ифодасини



топган. “Боласўз” китобхоналарга қозоқ ва ўзбек халқлари болалар адабиётини қиёслаш орқали назарий хулосалар чиқариш имконини беради.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: “Боласўз” китоби; муаллиф Қ. Ергўбек ва таржимон Д. Сайфуллаев.

Муаллиф суратга олган.

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!

ТАРИХ ВА ҲУҚУҚ АСОСЛАРИНИ ЎРГАНИШ АҲАМИЯТИ



Саврон тумани таълим бўлими услубият кабинети иш режасига мувофиқ, тажрибали устоз, мактабимиз директори Мақсуда Мамадалиева раҳбарлигида Ал-Форобий номли умумтаълим мактабида “Тарих ва ҳуқуқ асослари фанларидан таълимда замонавий усуллар ва янги технологиялардан фойдаланишнинг аҳамияти” мавзусида туман семинари ўтди.

Тадбирдан кўзланган мақсад – тарих ва ҳуқуқ асослари фанларида янги технологиялардан фойдаланган ҳолда ўқувчиларнинг билим кўникмаларини шакллантириш. Семинар янги шаклда ташкил этилди. Мактаб ичкарасига қаддам кўйганингиздан бошлаб, кўп асрлик шонли тарихимиз кўз ўнгингизда ўз ифодасини топади. Олис тош асридан бошлаб, то бугунги тараққий этаёт-



ган замонамиз орилигидаги тарихий давлар муккамал баён этилган.

Ўқувчиларга билим беришнинг турли шакллари сунъий заковат орқали амалга оширилди. Барча очик дарсларга юксак баҳо берилди.

Устозларимиз Нигора Ғайратова, Норул Мусаева, тарих ва ҳуқуқ асослари фани ўқитувчилари Шаҳноза Ортиқбошева,

Ҳошим Зурапов, Комилжон Йўлдошев, Умида Бобоева, Раҳматжон Розиковлар семинарнинг юксак савияда ўтишига муносиб ҳисса қўшдилар.

Райхон БОЛТАБОВЕВА,
Ал-Форобий номли умумтаълим мактабининг тарих ўқитувчиси.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳа.

Тарихи 1931 йилдан бошланадиган, дастлаб Тошкент сўнгра Алматы темирўйли таркибиде фаолият юритган, 1995 йилдан бошлаб, шаҳар таълим тизимига ўтган Туркистон шаҳридаги А. Навоий номли мактабда жуда кўп заҳматкаш устоз-мураббийлар ёш авлодга таълим-тарбия беришган.

Шундай қадрли муаллималардан бири Мариям Мусоева (тасвирда) жорий йилда кулуг 75 ёшга тўлади. У 1949 йили 7 ноябрда таваллуд топган. 1965 йили А. Навоий номли мактабни тамомлагач, дастлаб шаҳардаги ўқитувчилар тайёрлаш курсида, сўнгра Тошкент педагогика институтининг педагогика-психология факультетини тамомлаган.

ЁШ ЎҚИТУВЧИЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

Меҳнат фаолиятини ўзи ўқиган мактабда 1967 йили бошлаган. Илмга чанқоқлиги, изланувчанлиги ҳамда ташкилотчилик қобилияти туфайли илғор иш тажрибаси шаҳар мактаблари ўқитувчилари орасида оммалаштирилди. Унинг “Савод ўргатиш даврида ўқувчиларнинг озгаки нутқини ўстириш” мавзусида ёзилган китобчаси нашр қилинган. Мариям муаллима мактабда Мопан Тошметова, Холдор Қодирова, Мукаррам Ҳамидуллаева, Қундуз Ҳабибуллаева каби тажрибали ҳам-

касблари билан меҳнат қилиб, мактаб ютуқлари солномасига муносиб ҳисса қўшди. Хотин-қизлар кенгашининг фаол аъзоси сифатида жамоат ишларида танилди. Меҳнати муносиб тақдирланган, фахрий ёрлик, ташаккурномалар фикримизнинг далили.

Олий тоифали муаллимнинг кўплаб шогирдлари аниқ пайтда нафақат вилоят, балки қўшни Ўзбекистонда ҳам самарали меҳнат қилишмоқда. Устознинг меҳнат фаолияти ҳақидаги маълумотлар А. Навоий номли мактаб-



нинг 70 йиллиги муносабати билан 2000 йили нашр қилинган “Устозлар ва шогирдлар” китобига киритилган.

Мақолаимиз қаҳрамони ва мустақкам саломатлик ва самарали меҳнат зийнатини кўриш саодатини тилаймиз.

Саъдулла СОДИҚОВ,
Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси.

ЭЛЕМДІ КІТАП АРҚЫЛЫ ТАНИМЫН



Туркистон облыстық «Фараб» эмбебап-ғылыми кітапханасының бастамасымен әлем әдебиетінің шығармалары мен ұлттық әдебиетіміздегі ең үздік туындыларды оқу және насихаттау мақсатында қолға алынған «Әлемді кітап арқылы таным» атты үздік оқырман отбасылар арасында аудандық іріктеу кезеңі Сайрам ауданында өтті.

Іс-шараны Қ. Жандарбеков атындағы аудандық мәдениет үйінің фойесінде кеш қонақтарына кітапханашылар тақырыптық көрме-инсталляцияларын таныстыру мен «Менің атым Қожа» повесінен үзінді қойылыммен бастады. Сайрам ауданы өкімінің орынбасары Алипов Мадияр Бақтыбайұлы алғы сөзін бастап, қатысушы үміткерлерге сәттілік тіледі.

«Әлемді кітап арқылы таным» байқауына бақ сынауға 11 оқырман отбасы қатысты. Қатысушыларды бағалап, жеңімпаздарды анықтайтын қазылар алқасында Туркистон облыстық «Фараб» эмбебап-ғылыми кітапханасы, ақпараттық-библиография бөлімінің меңгерушісі – Әсел Бердибекова, «Ибрагимовтар» жануялық ансамблінің көркемдік жетекшісі, Республикалық өнер байқауларының лауреаты – Дана Ибрагим-

мова, ардагер кітапханашы – Роза Нарботаева төрелік етті. Үш кезеңнен тұратын байқауда оқырман отбасылар шарттарға сәйкес кітапхана мен отбасын байланыстыра отырып, кітап оқу дәстүрін бейнекерсетілім арқылы насихаттап, «Менің атым Қожа» шығармасынан үзіндіге сахналық көрініс көрсетіп, зияткерлік алаңында өздерінің білімділігі мен тапқырлығын шыңдады.

Жүлдегерлерді марапаттау үшін қазылар алқасы мен Сайрам аудандық орталықтандырылған кітапханалар жүйесінің директоры Дана Нұрмұханбетқызы байқауды қорытындылады. Бас жүлдені Құтарсы ауыл кітапханасының оқырманы Нұрай Сөйтжанова жеңіп, облыстық байқауға жолдама алды. І орынды аудандық балалар кітапханасының оқырманы – Нұртас Бостанов, ІІ орынды Хан-

қорған ауыл кітапханасының оқырманы – Жаңыл Сақтаған, ІІІ орынды аудандық балалар кітапханасының оқырманы – Кеусар Ишқалова иеленді. Сондай-ақ, «Білімді отбасы» номинациясымен – Шералиевтер, «Өнерлі отбасы» номинациясымен – Хали, «Парасатты отбасы» номинациясымен Алимқұловтар, «Үздік отбасы» номинациясымен – Насриддиновтар марапатталды.

Белсенді қатысушыларға Алғыс хаттар, сый-сияпаттар табысталды.

Ляззат НСАНОВА,
«Сайрам аудандық орталықтандырылған кітапханалар жүйесі» КММНІң кітапхананы дамыту және ақпараттық-библиографиялық қамтамасыз ету бөлімінің меңгерушісі.

“РАМАЗОН САВАТИ” ТАРҚАТИЛДИ



Тўлебий туманидаги “Нур” марказий масжиди кўплаб эзгу ишларнинг ташаббускори бўлмоқда. Айнан шундай эзгуликлардан бири масжид бош имоми Усен Саурбаевнинг сай-ҳаракатлари билан амалга оширилди, 150 оилага хайрия ёрдами кўрсатилди.

Эҳтиёжманд инсонлар учун ташкил этилган хайрия тадбирига “Қуаниш Ешенкул” хусусий жамғармаси ҳомийлик қилиб, масжид рўйхатида турган кам таъминланган ва кўп болали оилалар, туман ҳудудидаги масжидларда меҳнат қиладиган фуқаролар, жами 150 оилага “Рамазон саватлари” тарқатилди.



Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.

Одам боласи ҳар куни уч синовга йўлиқди ва ҳар доим ҳам улардан ибрат олавермайди!

Биринчиси, ҳар куни умри қисқариб бораверади. Мол-давлати озайса, ғам чекади, умри камаяётгани билан эса иши йўқ. Холбуки, мол-давлатнинг ўрнини тўлдирса бўлади. Умрнинг эса ўрнини тўлдириб бўлмайди.

Иккинчиси, ҳар куни Аллоҳ берган ризқдан ейди. Ҳалолига жавоб беради, ҳаромига эса жазоланади. У эса ҳисоб-китоб оқибати нима бўлишини билмайди.

СИНОВЛАРИ БИСЁР ДУНЁСАН...

Учинчиси, ҳар куни охирага бир қадам яқинлашиб, дунёдан эса бир қадам узоқлашиб боради. Шундай бўлса-да, фаний дунёсига берган эътиборини боқий охирага қаратмайди. Холбуки, у борар жойи олий жаннатми ёки тубан дўзахми билмайди.

Ўткир ҲОШИМОВ.



ЖИН БИЛАН УЧРАШУВ ЁХУД ҒАЛАТИ КАМПИР

“Ёсин” – Қуръоннинг қалбидир.

Муҳаммад (соллаллоху алайҳи ва саллам).

Дўстлар билан дийдорлашишга ҳеч нарса етмайди. Айниқса, дўстларнинг синфдошлар бўлса ажойиб! Инсон неча ёшга кирса ҳам фақат синфдошларини ёнида ўзини ўша-ўша ёш, навқирон, бегубор, табиий, енгил ҳис этаркан. Шунинг учун ҳам синфдошларимиз билан дийдорлашишга ошқимиз.

Чойхонада биздан бошқа ҳеч ким қолмаганидан ноилож фотиҳа қилиб, ташқарига чиққан дўстларнинг ҳеч хангомалари тугамас, ҳеч ким кетишга ошқимасди. Охири жўрабошимизнинг “Э, соат ўн икки бўлди! Бўлди, ҳамма уй-уйига! Кейинги ойнанинг ўн бешида шун эрда йиғиламиз!” деган гапидан сўнг хайрлашиб тарқалдик.

Хамроқ бўлмагани учун бир ўзим машинага ўтириб, йўлга тушдим. Ишдан чиқиб, чойхонага шошганидан бензин олмаганим. Йўл-йўлакай ёнилғи олишни мўлжалладим.

Соат тунги ўн иккидан ошгани учун кўчада машиналар сийрак. Бундай йўлда одам мазза қилиб ҳайдайди машинани!

“Малика” бозори ёнидан ўтаётганимда йўл четидида кўл кўтариб турган кампир эътиборимни тортди. Одатда кира мақсадда ҳеч йўловчи олмайман. Лекин баъзида ёш болали аёллар ва кекса одамлар йўлимдан чиқса, истисно тариқасида савоб учун йўл-йўлакай ола кетаман. Шунда ҳам бундай йўловчилардан сира пул олмайман. Мақсад – фақат савоб олиш.

– Ассалому алайкум, хола! – дедим кампирнинг рўпарасида тўхтаб.

– Қайси томонга борасиз?
– Тешик қопқоқ маҳалласига.

Эски мазорнинг номини олган маҳалла. Шу йўлдан ўтаман.

– Ўтиринг, хола, йўлимиз экан, – дедим кампирнинг саломимга алик олмаганини қаричликка йўйиб.

Кампир эшикни очиб, орқа ўриндиққа ўтирди.

– Кеч бўлганда қаёққа отландингиз, хола?

– Ҳа... менинг ишим ўзи қоронғи тушганда бошланади, болам, – жавоб берди кампир.

Қизиқ! Қандай иш экан у, қоронғи тушганда бошланган диган? Ёш бўлганда енгил-тақ аёллардан бўлса керак, дердим, қари бўлса... Орқани кўрсатувчи ойнадан кампирга разм солдим. Олтмишлар атрофи бўлса керак. Кийимлари ҳам анча униқиб қолган, эскироқ. Ҳа... ўша жойда тўйхона бор-ку! Идиш-товуқ ювса керак, тўйхонада! Аниқ! Тўй тугагач, ҳаммаёқни йиғишти-

рилиб, идиш-товуқларни ювиб, полларгача супуриб, артиб, тун ярмида уйга қайтади-ку, бу аёллар!

– Болалардан нечта, хола?
– Болаларни жиним суймайди... Шунинг учун бўлса керак, фарзандларим йўқ...

Бу жавобдан ҳайрон бўлиб, яна кампирга қарадим. Кампир деб адашган эканман, шекилли. Бу гал нари борса қирқ ёшлар атрофидаги аёлга ўхшатдим. Қошлари камонсифат, бодомқовоқ, кўзлари катта-катта, чиройли эди. Ҳа... қоронғида кўзимга эски кийимларда кампир бўлиб кўринди, шекилли...

Кийим ҳам одамнинг ёшини катта кўрсатади баъзан.

– Ҳужайин нима иш қилади, синглим? – қизиқиб сўрадим аёлдан.

– Ҳужайин йўқ... Ўлган ҳужайин...

– Анча бўлганми?
– Анча бўлган... Эрак зоти жуда мўрт бўларкан...

Қизиқ... Боласи йўқ, эри йўқ, жуда қари ҳам эмас, кўҳлики-на аёл бўлса, нахотки бир ўзи яшаса? Аёлга яна разм солдим. Ҳақиқатдан ҳам, келишган жувонга ўхшайди, бўйинлари текис, оппоқ, кўйлаги остидан кўкраклар тирсиллаб турибди... Қирқ ёш ҳам кўп бу аёлга. Айни етилган пайти. Лекин ҳақиқатдан чиройли аёл экан! Ойнадан ҳар қараганимда аёл ҳам мени кўзимга тикилиб турарди. Нигоҳлари сирли, ўзига жалб қилувчи, оҳанрабо каби ўзига тортарди. Миям қизиб, баданимда ғалати ҳиссиётлар жўш ура бошлади...

– Маҳалланинг қаерида турасиз? – сўрадим аёлдан, мазорнинг орқа тарафидаги маҳаллада яшашини тахмин қилиб.

– Маҳалланинг ўртасида яшайман. Олиб бориб қўясиз-а, ичкарига? – деди ишвали овозда аёл. Унинг кўзлари шундай боқарди-ки, гўё “Шундай тақлифга рози бўлмасанг, қандай эркасан?” деган маъно чиқарди.

Юрагим гурсиллаб ура бошлади. Бир хаёлим “Умрингда биринчи марта кўриб турган бу аёл хавфли! Бир баҳона қилиб қоч!” дер, бошқа хаёл эса “Шундай малоҳатли, жонон чақирса йўқ, дейсанми, аҳмоқ!” дерди.

Аёлга нима деб жавоб бер-

ришга ҳайрон бўлиб, вақтдан ютиш учун ғаладондан қўлимга илинган компакт дискни магнитофонга тикдим.

– Синглим, қарши бўлма-сангиз мана шу шохобчадан бензин қуйиб олсам? Кейин уйингизга обориб қўяман.

– Майли, олаверинг. Кейин чой ичиб кетасизда меникида, – яна мени ҳайрон қолдирди аёл.

Магнитофон дискни “ўқиб” бўлиб, тарона бошлади.

“Я сиин, Вал Қуръани ал Ҳакийм! Иннака ламинал мурсалийн...”

Ашула деб, Қуръон суралари ёзилган дискни қўйиб юборибман-ку! Майли, қайтанга шуниси яхшидир!

Машинани йўл четидидаги ёнилғи қуйиш шохобчасига бурдим. Кўчада машина бўлмаса ҳам колонканинг икки томонида ҳам машина бор эди.

– Аксига оладида, синглим! Кечасиям бензинга навбат! – ортимга бурилиб, гапим бўзимда қолди. Орқа ўриндиқ бум-бўш эди!

Астафириллоҳ! Ҳозиргина ўтирган эди-ку? Қаёққа гоийб бўлди бу аёл? Эшикни очиб, юраётган машинадан сездирмай тушиб қолиши ҳам мумкин эмас! Қанақасига? Тушимми, ўнгимми? Магнитофондан “Ёсин” сураси янграрди...

Ойнанинг тақиллашидан чўчиб тушдим! Бензин қуювчи йигит тақиллатарди.

– Ака! Қанақа бензин керак? Қанча олмасиз? Бакни очворинг! Ранггим оқариб, аъзои баданним титраб, машинадан тушдим.

Яна машинанинг ичкарисига қарадим, ҳеч ким йўқ. Бензин қуяётган йигитдан сўрадим:

– Машинада бир ўзим келдимми ҳозир? Бир аёл тушиб кетмадимми?

– Кириб келаётганингиздан буён сизга қараб турибмизку, бошқа ҳеч ким йўқ эди машинагизда. Бир ўзингиз келдик, ака?

Баданим жимир-жимир қилиб, оёғим бўшашиб кетди. Нахотки шу кўрганам рост бўлса? Бу нима эди? Арвоҳимида, жинмида, нима эди у? Нима бўлганда ҳам сура ёзилган дискни қўйганим мени сақлаб қолган эди.

Қўлларим қалтираб, зўрга йўлга тушдим. Магнитофонда ҳамон “Ёсин” сураси янграрди... Овозини сал баланлатиб қўйдим.

Шораҳмат ҚУРБОНОВ.

Буюк Даштнинг улўғ алломалари

(Давоми.
Боши ўтган сонларда).

– Вазнингиз етти пуд, Бобокул, феълни ҳам вазмин қилинг. Кўлга эрк бермақдин бурун ақл гавҳарини ўртага қўйиб мушоҳада айламак лозим. Қозикалон Маҳмудхон билан орамизни бузмоқчи бўлган экан, демак ўзига шул юмушни муносиб кўрибдир. «Одамларнинг энг ёмони ким?» деди саҳобалар. «Икки мўминни гиж-гижлаб уриштирувчи умматим», деди Ҳақ Мустафо. Иннамо ал-амал бин-нийя. Неки қилсанг, мукофотини олгайсан. Қаранг, қори билан қозикалон безовта, жониди ҳаловати йўқ. Шунинг ўзи аларга жазо эмасми? Самарқанд олис, камида тагин бир ой йўл босамиз. Улар тик этган товушдан чўчиб азоби жон ичинда ўртаниб юрадилар. Бундан ортиқ уларга не жазо керак, Бобокул? Бобо Мочин мундоқ ўйлаб қараса, Ҳазратнинг гапиди теран маъно бор экан. «Мен хомкалла билмасдан қорига яхшилик қилмоқчи бўлган эканман-да, – деб ўйланди Бобо Мочин, – энди индамайман. Лекин ҳар кўналгада бир кўриб, қалай, қори йигит юкингиз оғирлик қилмаётганим, деб тегишб қўяман. Жонини ҳовучлаб юрсин». Афсуски, Бобо Мочин Мавлуд қорини қайтиб кўролмади. У қозининг маслаҳатига кўра, Шайх карвонидан ажраб қолди ва Утрордан Самарқандга кетаётган савдогарларга қўшилиб, тўғри Маҳмудхоннинг хузурига йўл олди. Ҳазрат Утрорда бир кун туриб, Исфижоб сари отланди.

РУКНИДДИН ОТДАН ТУШДИ

6-ф а с л

Аҳмад Яссавийнинг ота-онаси Сайрамсув бўйида экин экиб деҳқончилик қилишар экан. Бола Аҳмад уззукун дала кезиб юрар экан. Бир куни ота-онаси ўтоқ қилиб, тоза қийналибдилар. Шунда Аҳмад эгатга тушиб олибди-да, бармоқлари билан сабзи учини силаб, «Бегона чиқ, ягона қол!» деб кетаверибди. Муъжиза рўй берибди. Бегона ўт-алаф Аҳмаднинг бармоқларига илашиб чиқиб, сабзипоялар эса эгатда ярқираб қолаверибди. Яссавийнинг авлиёлиги ана шундан бошланган экан.

Ривоят

Исфижоб Туркистоннинг фарован ва хушхаво шаҳарларидан эди. Қадим битикларда уни «шаҳри азим» дейдилар ва Нуҳ пайгамбар номи билан боғлайдилар. Дарҳақиқат, Исфижобнинг у бошидан бу бошигача камида икки фарсаҳ келар, шариқонда ўн минглаб киши истиқомат қиларди. Шаҳарнинг ёмон кўздан асрагандек, кун чикарда баланд тоғлар тўсиб туради, кунботарда у маъмур, ям-яшил водийга туташади. Бир ёнидан судралиб Сайрамсув ўтади, бир ёнида уйноқлаб Туволоқсой оқади. Сув мўлллигидан яйлов билан боғлар мўл, даррах сероблигидан мева-чева кўп, чорва семиз, деҳқон билан молбоқарнинг димоғи чоғ эди. Аммо кейинги йилларда Исфижоб аҳлининг шодлиги омонат бўлиб қолди. Етти йилда шаҳар икки марта қорахитойларнинг босқинига учради. Қорахитойларнинг ери асли Еттисувдан нарида, ичкари Хитойда эди. Улар текин ўлжа излаб аста-секин Еттисувни ишғол қилдилар. Сўнг қорахонийларнинг ота юрти Боласоғунни эгаллаб, турк элатига мансуб қорлуқлар билан тил бириктирди. Қорлуқлар Самарқанд хони Маҳмуд ибн Иброҳим Тамғачхоннинг тобеи эди. Бу элат қорахитойлар хони Гўрхон ёрдамида Маҳмудхоннинг тобелигидан чиқиб, ўз давлатларини тузиш ниятида диндош, элдош халққа қарши жангга отландилар. Боғлар пайҳон этилди, ўн минглаб отлар туғьидан, минг-минг таноб экинлар шудгорга айланди, юзлаб эр йигитлар асир олинди. Қорахитойларнинг аскарияти бутпа-раст эди. Улар масжидларга ўт қўйдилар. Исфижоб атрофидаги, Ичкентдаги авлиёлар мақбарасини вайрон қилдилар, қалъа девори бузиб ташланди.

Тўрт йил бурун Гўрхон юз минг кишилик лашқарига бош бўлиб Самарқанд сари юриш қилганида яна Исфижобни таллади, гўё инграб ётган бемор шаҳар кўксига ханжар уриб кетди. Бир-икки йилдирик, Исфи-

Саъдулла СИЁЕВ

Аҳмад Яссавий

Роман



жоб олов ичидан омон чиққан афсонавий қақнусдек аста-секин ўзига келаётган эди. Ёш ниҳоллар ўтқазилди, экинзорлар тикланди, кўмилган ариқлар қайта очилди, масжид-мадрасалар таъмир этилди.

Исфижоб ҳокими Рукниддин эди. У Султон Санжарнинг хияни, Маҳмудхоннинг оғаси марҳум Аҳмадхоннинг ўғли. Энди ўттиз ёшларни қоралаган бу йигит такаббур, жиззакчи ва ўзбошимча эди. Рукниддин ўзини ботир жангчи деб санар, дарҳақиқат, ўқ отмоқ, қилич чопмоқ бобида у моҳир эди. Лекин диний илмларга бепарқ қарарди.

Боз устига, уламоларни ёқтирмас, отамнинг ўлимида уларнинг қўли бор, деб кўнглида дин аҳлига кек сақларди. Шу туфайли Шайх истиқболига чиқшини аввал ўзига муносиб кўрмди. Исфижоб қозисини чақиртирди. Рукниддин Сайрамсув бўйида, ўн икки қанотли шохона оқ ўтовда кимиз шопири ёнбошлаб ётарди. Қозикалон кирди. Тўрга яқин, ҳокимнинг ўнг тарафига ўтиб ўтирди. Қозикалон етмишлардан ошган нуроний қария, Бағдодда илм олган алломалардан эди. Ота-си тенги фозил кишининг иззати учун Рукниддин ақалли бўксасини ҳам кўтармади. Заранг қосадан кимиз симириди, энги билан лабини артиб, қозига ўғирилди:

– Қози жаноблари, биз сизни бир юмуш ваҳҳидин чорладик. Биласиз, Шайх ҳазратлари келаётир. Ҳозир Бодомсув бўйида тўхтабди. Насиб этса, номози дигарда шаҳарга етиб киргай. Ёнингизга арқони диндан уч-тўрт кишини олиб икки оғоч ерга борсангиз, Шайх ҳазратларини бошлаб қароргоҳингизга олиб келсангиз, деган тилагингиз бор. Биз Ҳазратга ёнимизда хос ўтов тиктириб қўйдик. Таомилга кўра, қози «Бахонидил, тақсир!» деб ўрнидан туриши керак эди. Лекин у бундай қилмади. Сукут сақлаб ўтираверди. Рукниддин қозига ажабланиб боқди.

– Не мулоҳазага бордилар, тақсир?

– Мулоҳаза шулким, Шайх Ҳазратлари Самарқанд ё Исфижоб қозиси эмасдур, Туркистон шайхларининг сарҳалқасидур. Хожа Аҳмад Яссавий жаноблари шоҳлар хузурига бормас, билъакс, шоҳлар Ҳазратини хузурларига бориб дуо тилайдурлар.

Рукниддин беихтиёр қаддини кўтарди. Наздида, қози мулоҳаза қилаётгандек, унга қасд-мақсад дин пешволарининг обрўсини атай юксак рутбага чиқараётгандек эди. Рукниддиннинг ҳавойи кўнгли ҳамон Ҳазрати Султоннинг улўғ маснадини тан олгиси келмасди.

– Биз Ҳазратга астойдил марҳамат кўргазмакни ният қилгон эдик, – деди Рукниддин, қозини амрига бўйсундирмоқчи бўлиб, – вале, Ҳазрат бизни назарга илмасалар, таассуф қилгаймиз, тақсир.

– Ҳазратдин шоҳу гадо баробар марҳамат тилайдур, – деди қози ҳам бўш келмай, – улўғ тағойингиз амрал мусулмин Султон Санжар ҳазратлари Шайхга қалин-қалин хадялар юборадур, бу сир эмасдур. Хон оғанинг, давлатингиз санбори

Маҳмудхон жаноблари Ҳазратга кўл бериб мурид бўлгонларидин ҳам хабарингиз бор.

Рукниддиннинг иззат-нафси лат еди. Жиззаклиги тутиб, заҳархандали қулди:

– Шул боисдан ҳам ўзимиз кўрмаган иззату икромни Ҳазратимга кўрсатмак ниятида эрдик...

Ҳокимнинг бефақлиги қозига оғир ботди. «Илми адён (диний илмлардан) йироқ бир сарбоз бола ўзини авлиёлар сарварига тенглаштириб ўтирибди, ё Раббий! Қандоқ кунларга қолдик?!» Қози ичиди «Астағфирullo!» деб қўйди.

– Иншоолло, ниятингиз йўлдошингиз бўлсин, хожа. Фикри оҳзимиз шулким, Ҳазратнинг истиқболига ўзлари бош бўлиб чиқсалар, халқнинг раҳмати ёғилгай.

Қозининг «халққа урғу бериб гапиргани Рукниддинни ўйлантирди. Рукниддин Сайрамсув бўйида, ўн икки қанотли шохона оқ ўтовда кимиз шопири ёнбошлаб ётарди. Қозикалон кирди. Тўрга яқин, ҳокимнинг ўнг тарафига ўтиб ўтирди. Қозикалон етмишлардан ошган нуроний қария, Бағдодда илм олган алломалардан эди. Ота-си тенги фозил кишининг иззати учун Рукниддин ақалли бўксасини ҳам кўтармади. Заранг қосадан кимиз симириди, энги билан лабини артиб, қозига ўғирилди:

– Қози жаноблари, биз сизни бир юмуш ваҳҳидин чорладик. Биласиз, Шайх ҳазратлари келаётир. Ҳозир Бодомсув бўйида тўхтабди. Насиб этса, номози дигарда шаҳарга етиб киргай. Ёнингизга арқони диндан уч-тўрт кишини олиб икки оғоч ерга борсангиз, Шайх ҳазратларини бошлаб қароргоҳингизга олиб келсангиз, деган тилагингиз бор. Биз Ҳазратга ёнимизда хос ўтов тиктириб қўйдик. Таомилга кўра, қози «Бахонидил, тақсир!» деб ўрнидан туриши керак эди. Лекин у бундай қилмади. Сукут сақлаб ўтираверди. Рукниддин қозига ажабланиб боқди.

– Не мулоҳазага бордилар, тақсир?

– Мулоҳаза шулким, Шайх Ҳазратлари Самарқанд ё Исфижоб қозиси эмасдур, Туркистон шайхларининг сарҳалқасидур. Хожа Аҳмад Яссавий жаноблари шоҳлар хузурига бормас, билъакс, шоҳлар Ҳазратини хузурларига бориб дуо тилайдурлар.

Рукниддин беихтиёр қаддини кўтарди. Наздида, қози мулоҳаза қилаётгандек, унга қасд-мақсад дин пешволарининг обрўсини атай юксак рутбага чиқараётгандек эди. Рукниддиннинг ҳавойи кўнгли ҳамон Ҳазрати Султоннинг улўғ маснадини тан олгиси келмасди.

– Биз Ҳазратга астойдил марҳамат кўргазмакни ният қилгон эдик, – деди Рукниддин, қозини амрига бўйсундирмоқчи бўлиб, – вале, Ҳазрат бизни назарга илмасалар, таассуф қилгаймиз, тақсир.

– Ҳазратдин шоҳу гадо баробар марҳамат тилайдур, – деди қози ҳам бўш келмай, – улўғ тағойингиз амрал мусулмин Султон Санжар ҳазратлари Шайхга қалин-қалин хадялар юборадур, бу сир эмасдур. Хон оғанинг, давлатингиз санбори

(Давоми бор).

»» Янги Қозоғистонни бирга барпо этамиз!



БОБОМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Улуғ Ватан уруши йиллари... 1942 йили 1 март кунки Чўбноқ қишлоғида Қуръони Каримни мукамал билган зиёли хонадон, Азим қори ва Зулфия опа оила-сида фарзанд дунёга келди. Беш ой муқаддам УВҒга отланиб, фронтда душманлар билан жанг қилаётган Азим қори уйга йўллаган хатда ўғил фарзанд туғилса, исмини Сулаймон деб қўйинлар, деб ёзади. Тақдир тақозоси билан унга машъум уруш туфайли фарзандини кўриш насиб этмади. Немис босқинчиларига қарши жангларда Сталинград остонасида қаҳрамонларча ҳалок бўлади. Ота-ўғил дийдори қиёматга қолади.

Икки қиздан кейин дунёга келган Сулаймон бобом болаликдан меҳр-муҳаббатга тўла оилада вояга етади. 16 ёшида мактабни тамомлаб, қишлоқ хўжалиги ишларида фаол иштирок этади. Уранғай қишлоғида меҳнат қилиб, комбайн ва тракторларни таъмирлашга ҳисса қўшган. 1964 йили Қўшқўрғон қишлоғидаги Дилбар буювмига уйланади.

Ушбу пири бадавлат оилада 4 ўғил, 2 қиз камол топади. Меҳнат ва ҳалоллик ила вояга етган фарзандлар бугунги кунда эл ардоғидаги инсонлар.

Мусулмончиликнинг барча фарзини тўлиқ адо этган Сулаймон хожининг ўғиллари – Дадажон, Каримжон,

Маъруфжон ва Маматжон тоғаларим чорвачилик соҳасида катта ютуқларга эришган, хориждан зотдор отлар, сигирлар ҳамда паррандалар олиб келиб парваришлаб, вилоят маркази аҳолиси, меҳмонлар ва зиёратчиларни сифатли гўшт маҳсулотлари билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Уларнинг шижоатли меҳнати қишлоқ, туман, вилоят миқёсида муносиб тақдирланган. Бобомнинг қизи Райхон холам Туркистон шаҳридаги марказий бозорда 30 йилдан буён тўй кўйлаклари савдоси билан шуғулланётган тадбиркор. Кенжа қизи, менинг меҳрибон волидаи муҳтарамам Ойхон Сулаймон қизи Туркистон шаҳридаги

Т. Бигелдинов номли мактабда ўзбек тили ва адабиётидан ёш авлодга дарс беради.

Афсуски, бешафқат ўлим буви-жоним Дилбар аяни орамиздан эрта олиб кетди.

Бугунги кунда Сулаймон хожи 6 фарзанд, 21 невара, 32 эваралари даврида кексалик гаштини суриб, умргузаронлик қилмоқда. Унинг авлодига мансуб шифокорлар, ветеринария ходимлари, олий тоифали ўқитувчилар, фермерлар мустақил Қозоғистон равнақи йўлида самарали меҳнат қилишмоқда.

Ўрта мактабни аълога тамомлаганимда менга шифокор бўлишни



маслаҳат берган бобожоним билан фахрланаман. Жаҳоннинг қўллаган мамлакатларидан келган талабалар билан халқаро даражадаги нуфузли олий ўқув юртида аъло баҳоларга ўқиб, шифокорлик касбини ихлос ила эгалламоқдам.

Бобом бугунги кунда Саодат буювим билан қарилк гаштини сурмоқда. Баҳорнинг илк кунда 84 ёшни қарши олган хожи бобомизга узоқ умр, сихат-

саломатлик тилаб қоламиз. Муносиб авлод тарбиялаётган Сулаймон ота билан Дилбар онахонлар биз – ёш авлод учун ибрат мактаби.

Солиҳабону БОБОХОНОВА,
А. Ясавий номидаги
ХҚТУ талабаси.

Тасвирларда: Бобом қишлоқ хожими Сиздик Хамзаули билан; оила даврасида.

»» Қарноқда қўйилган тарихий дошқозоннинг 625 йиллигига

ДОШҚОЗОН – ТАРИХИМИЗ ВА ФАХРИМИЗ

Туркий оламнинг маънавий пойтахти Туркистон шаҳридаги Ҳазрат Хожа Аҳмад Ясавий мақбарасининг асосий ва ноёб осори-атиқаси – 1399 йили, 625 йил муқаддам Қарноқ қишлоғида Соҳибқирон Амир Темур фармони билан уста Абдул Азиз Табризий томонидан қўйилган тарихий дошқозон ҳақида сўз юритмоқчимиз.



Уч минг литр ҳажмдаги, айланаси 242, баландлиги 162 сантиметр бўлган бу тарихий экспонатни тайёрлашда мис, рух, олтин, қумуш, бронза, қўроғош ва темирдан фойдаланилган. Дошқозоннинг ташқи қисмида Соҳибқироннинг қозонни қўйиш ҳақидаги буйруғи ва устанинг исми битилган. Унда намозхонлар, мискинлар учун жума кунини ширин сув тайёрлаб, намозхонларга тарқатилган. 1935 йили Москвада Эрон маданияти кунлари ўтиши сабабли Туркистондан олиб кетилган ва қайтарилмасдан Ленинграддаги Эрмитаж музейига қўйилган. 1989 йили сентябрь ойида Туркистон

Д. Жамолов каби ҳимматли инсонларнинг бевосита иштирокида дошқозон Туркистонга олиб келинди. Минглаб туркистонликлар шаҳарга киравершдан мақбарагача йўлнинг икки томонида 54 йилдан сўнг ўз тарихий масканига қайтарилган дошқозонни кўзда ёш билан олқишлагани шонли тарих. Шу воқеаларга ҳам 35 йил бўлди.

Бу ҳақда "Жанубий Қозоғистон" газетасида батафсил ёритилган. Туркистон шаҳри туркий оламнинг маънавий пойтахти, вилоят ҳамда халқаро сайёҳлик марказига айланди. Турли мамлакатлардан 5 миллиондан зиёд сайёҳ-зиёратчилар



шаҳар ижроия қўмитаси раиси Эркин Жўрабековнинг саяёҳаракатлари билан ҳамюртларимизнинг кўп йиллик орзуси ушалди. Уша кезддаги пахта тозалаш корхонаси директори Одил Олимов ҳиммати билан ажратилган КамАЗда М. Абдуқодиров, А. Абдураззоқов,

ташрифи қўтилмоқда. Улар Ҳазрат Ясавий мақбарасининг энг катта, марказий хонасида сақланаётган тарихий дошқозонни ҳайрат ила томоша қилишди.

Обиддин ФАХРИДДИНОВ,
Туркистон вилоятининг
ибратли фуқароси.

СИЗДАН ШИФО ТОПДИМ, АЗИЗ ШИФОКОРЛАР!

Шимкент шаҳридаги 3-сонли шифохонага тажрибали раҳбар Сарсен Пернебеков бош шифокор этиб тайинланганига кўп вақт бўлмаса-да, муассасада қатор ижобий ўзгаришларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Янги бўлимларнинг ташкил этилиши, хоналарнинг озодлиги, ходимларнинг ширинсуханлиги беморларнинг саломатлигини тиклашга хизмат қилмоқда.



Орзиқиб кутганим кўкламим келди,
Кимни соғинтирмас, айтинг, бу баҳор.
Мен сизни, ўзимни кутлагим келди,
Ҳам тилда, ҳам дилда айтмайлик тақрор.
Бизга бахт келтирсин, биз кутган баҳор.
Ўлкамизга баҳор фасли яшил сепини кенг
ёйиб, қалбларга кўтаринки қайфият, қувонч
сийлаб кириб келди. Бу – янгиланиш, яшариш,
гўзаллик, нафосат фасли!

Дилларда жўшқинлик, танада ғайрат жўшиб турибди. Бугун борлик уйғонади, янгиланади. Қир-адирларда майсалар ниш уриб, юзимизга қувонч сийлайди. Шу кунларга эсон-омон етиб келганимизга минг шукрлар айтмиш. Қиш давомида уйқуда бўлган дов-драхт шохларида япроқлар куртак ёриб, қуёш нурларига талпина бошлади. Қарабсизки, расом чизган, ажиб манзара – табиат ашиллиққа бурканади. Қир-адирлар, боғ-роғлар гулларга кўмилмоқда. Янгиланиш ишқиде маст қушлар мамнун сайрашиб, оромбахш саси оламини тутиб, барчага қувонч улашади.

Баҳор – фасллар келинчаги. Бунда гул, япроқларнинг муаттар ҳиди, жонбахш елларнинг ажиб шўхлиги, уйғонган ҳаётнинг нафис нафаси қалбларни эзгуликка чорлайди. Дарахтлар гулга

бурканади. Баҳор фаслини мадҳ этмаган, қалами ўткир шoir бормикан, ширали овози билан куйламаган қўшиқчи-хофиз бормикан?! Жозибали рақиси ила ўйнамаган раққоса бормикан?! Тупроқ ҳидини соғинган меҳнаткаш, бободоҳқон кетмонини чархлаб, далага ошиқади. Кимлардир боғ яратиб, кўчат қадайдди, кимлардир мўл ҳосил учун ер, кимлардир сероб сувлар учун ариқ чопайди, ҳаракат ва яна ҳаракат илинжисиде табиат янада кўркамлашади.

Шаддод чақмоқ ҳамда момоқалди-роқ каби табиат ҳодисалари энг кўп баҳорда рўй беради. Қўллаб байрамлар, шукроналик кунини, муътабар онажонлар, опа-сингиллар байрамлари, Наврўзи олам шодиёна кунлари ушбу фаслга шерик бўлади. «Ҳар фаслнинг ўз зийнати бор, ҳар фаслнинг ўз фазилати»

Мен турмуш ўртоғим билан ўн кун давомида малакали мутахассис Гулжаҳон Бердалиева раҳбарлик қилаётган «Асаб касалликлари» бўлимида даволаниб, шифо топдик. Шифокор Дурдона Бейсенова, катта ҳамшира Малика Турсиметова, хўжалик ишларига масъул ходима Нодира Усмонова, оёқ-қўли чақон ёш ҳамширалар – Моҳинур Мираматова ва Мафтуна Эшонхўжаевалар ҳамда 21 ходим фаолият юритаётган бўлимнинг барча ходимларига миннатдорчилик билдираман. Дардимизга дармон бўлаётган барча тиббиёт ходимлари омон бўлишин!

Раҳима КҮЧҚОРОВА,
меҳнат фахрийси.



КЕКСАЛАРНИ ДАНГАСАЛИККА ЎРГАТИБ ҚҲЙМАНГ, АЗИЗ ЁШЛАР!

Кекса инсонларни уринтириб қўймаслик керак. Бинобарин, уларни дангасаликка ҳам ўргатиб қўймаслик керак. Ўзи юра оладиган инсонлар кўпроқ ҳаракат қилгани маъқул. Ҳаракат кекса инсонни оёқ қўли увишиб қолишдан ҳимоя қилади. Баъзан ўз уйимизда ҳам майда-чуйда ишлар билан машғул бўлиб қолсам уйдагилар дарров «Сиз қўяверинг, ўзимиз қилиб қўямиз» деб айтиб қолишади. Кекса одам ҳам баъзан мана шундай майда-чуйда ишлар билан ўзини овутиб, кексаликдан ўзини чалғитиб туришни хошлаётганини улар тушунишмайди.

АЗИЗ ФАРЗАНДЛАР!

Хижолат бўлмаганлар! Мадори бор экан, кекса одам кўнгли тусаган ишни қилишига қўйиб беринлар. Аёлингизга «ота-онамни овера қилиб қўйибсан, қарамайсан», деб маломат қилманг. Вақти келиб, дармон оз қолганида аста-секин майда-чуйда юмушлардан ҳам ўзини тийишни

бошлайди. Бу дегани кекса инсонларни ўз ҳолига ташлаб, эътибор ва қаровисз қўйиб қўйиш керак, дегани эмас. Баъзи ноёб фарзандлар ва келинларга бу айтганларим дастак бўлиб қолмасин. Ҳаракатда касаллик қочар экан, ўзини қаттиқ уринтирмаган ҳолда уй ишларини қилиш ўзига фойдадир.

ЯНА БИР МАСЛАҲАТ

Кексаларнинг хонасига хар хил ширинликлардан оз-оздан доим олиб кириб қўйинг. Онда-сонда одам бир дона печенье ёки бир дона шоколад егиси келиб қолар экан. Бу ҳам барча биладиган, лекин ҳаммининг доим ёдида тура-вермайдиған йўриқнома эди, холос. Кексаларни эъзозлаган барча балаларидан Аллоҳ рози бўлсин!

РОСТОНБУВИ.

«Саодат» журналидан.

ТҲРҒЫН ҲЙДЕГИ ӨРТ ҚАУПСІЗДІГІ

Тўрғын Ҳй мен пәтерлерде өрттің шығуына негізгі себептер: тұрмыстық электр және газ аспаптарын пайдалану кезінде, пештердің дұрыс орнатылмауы мен қолдану кезінде өрт қауіпсіздігі ережелерін бұзу, мас күйінде темекі тарту салдарынан, сонымен қатар электр өткізгіштерін дұрыс жүргізбегендіктен болып отыр.

Егер Сіздің үйіңізде немесе пәтеріңізде электр өткізгіш сымдарына және электр аспаптарына зақым келсе тез арада электр маманын шақырыңыз.

Өртті болдырмау үшін Сізге мынадай өрт қауіпсіздігі ережелерін сақтаған жөн:

- Электр және газ құралдарын қосулы күйінде қалдырмаңыз, сондай-ақ оған балаларды жақындатпаңыз;
- Уақытша және зақымдалған электр өткізгіш сымдарын пайдаланбаңыз;
- Электреспеттегіштердегі электрсақтандырығыштар зауыттан дайындалған болуы тиіс;
- Үлкен көлемдегі электр құралдарын бір уақытта қосып электр жүйесіне күш түсірмеңіз;
- Газдың кеміп қалуын тексеру үшін ашық отты қолданбаңыз;
- Сірікпені балалардың қолы жетпейтін жерде сақтаңыз;
- Бөлмені жылытуға бейберекет қолдан жасалған электр-

жылытқыш құралдарын қолданбаңыз;

– Балалардың отпен ойнауына жол бермеңіз және оларды қараусыз қалдырмаңыз;

Өрт және жану оқиғасы болған кезде тез арада телефон арқылы 101-ге хабарласыңыз. Өрт қауіпсіздігі ережесін сақтау-Сіздің үйіңіз бен мүлкіңізді оттан қорғайды!

С. АХАБАЕВ,

Туркістан қаласындағы
№1 мамандандырылған
өрт сөндіру бөлімі
бастығының орынбасары,
азаматтық қорғау капитаны.

>>> Тўйхат ўрнида

ЭЛ БИРЛИГИ ЙЎЛИДАГИ ШАРАФЛИ МЕҲНАТ



Туркистон вилоятининг фахрий фуқароси, вилоят жамоат кенгаши аъзоси, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси қошидаги оқсоқоллар кенгаши раиси Зуппархон Чолдоновни Наврўзи олам шодибенаси билан бақамти келган таваллуд айёми билан самимий муборакбод этамиз.



2018 йили 19 июнда мустақил Қозғоғистоннинг Тўнғич Президенти Н. Назарбаевнинг 702-сонли Фармони асосида Туркистон вилояти ташкил этилиб, Туркистон шаҳри унинг маркази сифатида белгиланди. Шимкент шаҳрига алоҳида мегаполис мақоми берилди. Вилоят маслаҳати депутати Зуппархон Субат ўғли зиммасига 23 июнь куни Шимкент шаҳрида ўтган Жанубий Қозғоғистон вилоят маслаҳатининг навбатдаги тарихий сессиясига раислик қилиш масъулияти юкланган эди. Вилоят ҳокими Жансейит Тўймабаев, ҚР Бош вазири Бахтжан Сағинтаев, ҚР Президенти девони раҳбари Адилбек Жақсибековлар ҳамда вилоят фаолларидан 500дан зиёд киши иштирок этган тарихий сессияга раислик қилиш масъулиятининг салмоғи катта. Ушбу масъулиятли вазифани Зуппархон Чолдонов шараф билан адо этди.

робий номли) мактабига раҳбарлик қилди. Мактаб жамоаси ҳамisha обунада пешқадам бўлди. Мактабнинг моддий базаси мустаҳкамланди. Ўқув жараёнлари савияси юксалиб, ушбу илм маскани республикамиздаги пешқадам юз мактаб сафига кирганлиги ҳам шонли тарих.

Туркистон шаҳрига маънавий пойтахт мақоми беришга тайёргарлик йўлида кўп йил муқаддам Туркистон темирйўл вокзалдан депутат Раҳим Танирбергенов, фахрий оқсоқол Жарилқасим Азиретбергенов каби элга таниқли инсонлар билан бирга Зуппархон Чолдонов Астана шаҳрига тарихий сафар олдидан газетига мусохаба берган дамларни яхши эсламан. Мана, ўша заҳматли меҳнатлар пировардида самарасини бериб, кўхна шаҳар тарихий мақомга эришиб, янги Туркистон жаҳон сайёҳлик маркази сифатида тараққий этмоқда.



3. Чолдонов тажрибали ўқитувчи сифатида узоқ йиллар "Иқон", (ҳозирги Ал-Фо-

раҳбарлари ва масъул ходимлар билан кўп маротаба мулоқотда бўлиб, биз билан бирга жон койитган ҳам Зуппархон Субат ўғли бўлади. Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган, тилимиз, маданиятимиз ва анъаналаримиз равнақи йўлида фаолият юритаётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳисобот йиғилишларидаги мантиқли маърузалари билан ўз ўрнига эга бўлган фидойи инсон.

Она тилимизда давлатимиз сиёсатини тарғиб қилаётган қадрли баланд "Жанубий Қозғоғистон" газетаси обунасини ташкил қилиш мақсадида шаҳар таълим бўлими



раҳбарлари ва масъул ходимлар билан кўп маротаба мулоқотда бўлиб, биз билан бирга жон койитган ҳам Зуппархон Субат ўғли бўлади. Баҳодир Ирисметов раҳбарлик қилаётган, тилимиз, маданиятимиз ва анъаналаримиз равнақи йўлида фаолият юритаётган вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси ҳисобот йиғилишларидаги мантиқли маърузалари билан ўз ўрнига эга бўлган фидойи инсон.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: 3. Чолдонов; "Ынтымақ" уйдаги тадбирда; вилоят фаоллари билан; "Дўстлик" уйи қурилишига бағишланган анжуманда.

Муаллиф суратга олган.

P.S: "Жанубий Қозғоғистон" таҳририяти фидойи инсон Зуппархон Чолдоновга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва фаолиятида янги зафарлар тилайди.

БИЛИМДОНЛАР АНИҚЛАНДИ

Ягона миллий тестга тайёргарлик икки йил муқаддам бошланган эди. Келажакимиз, эртанги кунимиз давомчилари бўлган ўқувчи ёшлар аини пайтда олий ўқув юртига кириб, бирор касбни эгаллаб, етук мутахассис, Ватани, Адоллатли Қозғоғистоннинг рақобатбардош, адолатпарвар бунёдкорлари бўлиш орзусида устоз-мураббийлардан таълим олишмоқда.

Сайрам туманининг Қорабулоқ, Орис ва Кўлкент қишлоқларида фаолият юритаётган ўзбек тилида таълим берувчи мактаблар 10-синф ўқувчиларининг 151 нафари «Тест билимдон» танловида иштирок этишди.

Навбатдаги танлов ёшларни



миллий тест-синовлардан муваффақиятли ўтишлари учун замин яратди.

Анъанага кўра, энг яхши уч мактаб ва 10 нафар зукко

ўқувчилар аниқланиб, ҳомий – NIK GROUP асосчиси, жамоат арбоби Бадриддин Нишонқулов томонидан тақдим этилган пул муқофотларига сазовор бўлишди.

Бу гагги танловда Жамбил номли мактабнинг 5 нафар ўқувчиси муваффақиятли иштирок этиб, дастлабки бешликнинг барча ўринларини забт этишди.

Танловда иштирок этган 19та мактаб ўртасида Жамбил номли мактаб – 121, «УХУД» – 93, 4-сонли гимназия мактаби – 88 балл билан биринчи ўликдан ўрин эгаллашди.

Навбатдаги танловда барча мактаблар фаол иштироки билан ўқувчилар келажак учун қайғуришаётганлиги, ёш авлод тақдирига бефарқ эмасликларини намоён этади, деган умиддамиз.

«Жанубий Қозғоғистон» мухбири.

Тасвирларда: тадбирдан лавҳалар.



ШОҲБАЙТ



"КАЪБАКИ ОЛАМНИНГ ЎЛУБ ҚИБЛАСИ, ҚАДРИ ЙЎҚ АНДОҚКИ, КЎНГУЛ КАЪБАСИ – КИМ, БУ – ХАЛОЙИҚҒА ЭРУР САЖДАГОҲ, УЛ БИРИ – ХОЛИҚҒА ЭРУР ЖИЛВАГОҲ".

Алишер НАВОИЙ.

(МАЪНОСИ: "КАЪБА ОЛАМНИНГ ҚИБЛАСИ БЎЛИШИГА ҚАРАМАЙ КЎНГУЛ КАЪБАСИЧАЛИК ҚАДРИ ЙЎҚ, НЕГАКИ, КАЪБА ХАЛОЙИҚНИНГ САЖДАГОҲИ БЎЛСА, КЎНГУЛ ХОЛИҚ (ҲАҚ ТАОЛО)НИНГ ЖИЛВАГОҲИДИР (НАЗАРГОҲИДИР).

ДОНОЛАР ДЕЙДИЛАРКИ...

● СЎЗ БОРКИ – КЕСАР ЖАНГНИ, СЎЗ БОРКИ – КЕСАР БОШНИ.

Юнус ЭМРО.

● СЎЗЛАР ЭМАС, УЛАРНИ АЙТГАН ОҒИЗЛАР АҲАМИЯТЛИРОҚДИР.

БОККАЧЧО.



"ЖАМИЯТ ҲАҚИҚАТДАН УЗОҚЛАШГАНИ САРИ, УНИНГ РОСТ ГАПНИ АЙТАДИГАНЛАРГА БЎЛГАН НАФРАТИ ОРТИБ БОРАВЕРАДИ".

Жорж ОРУЭЛЛ.

КИМДИР ҚАСР ҚЎРМИШ, ЙИҒМИШ МОЛ-ДУНЁ, КИМДИР ЖАБР ҚИЛМИШ ВА ТОПМИШ ЖАФО, ТУРКИСТОН ТУПРОҒИ ПОК БЎЛСИН ДЕЯ, ҲИҚМАТ ЭКИБ КЕТМИШ ЯССАВИЙ БОБО.

Сирожддин САЙИД.

Дил бедор бўлсанг-чи, жаҳон ўтмоқда, Урмимиз бекорга ҳамон ўтмоқда. Манзилда ухлама, ғафлатда қолма, Умр манзилдан карвон ўтмоқда.

Жалопиддин РУМИЙ.



Бу дунёда бахтли одамлар йўқ, ўзини бахтли қилиб кўрсатадиганлар бор. "Тақдир эшиги" спектаклидан.

Шароф БОШБЕКОВ.

Ретропост:

Касал бўлиш – кўчага яланғоч чиқишдек уят бўлганида, ҳеч ким касал бўлмас эди.



ДАСТХАТ

Ҳаётимда кўп дастхат ёзишга тўғри келган. Китоблар, альбомлар, суратлар... Фақат бир гал дастхат ёзиш мушкул иш эканини билганман.

Олис вилоятга борганимизда етимхонага таклиф қилишди. Дастурхон тўкин эди. Ширинликлар... Болаларнинг ўзи пиширган кулчалар... Томоғим хиппа бўғилиб, сув ҳам ўтмай қолди. Кейин концерт кўйишди. Болалар хушчақчақ кўшиқ айтапти, йиғлаётганга ўхшайди. Қизалоқлар шўх-шўҳ рақсга тушаяпти, кўзларида мунг бор, ғусса бор... Бир қизалоқнинг оёғидаги туфличалари икки хил.

Учрашув охирида етимхона журналига дастхат ёзишни илтимос қилишди. Узоқ ўйланиб қолдим. Сўнг ёздим: «Шу даргоҳдаги болаларнинг ота-онаси ўлган бўлса, Худо раҳмат қилсин. Тирик бўлса, юзи қаро бўлсин, қаро бўлсин, қаро бўлсин!»

Ўткир ҲОШИМОВ.

ИБРОҲИМ ҲАҚҚУЛ ҲИҚМАТЛАРИ



● Чинакам озодлик – бу инсон сийратининг ташқи таъсирлардан озод бўлиб, унинг ўз кўнглидаги мутлақ хўжайинга эришувидир.

● Нафс ҳақида, нафсни таниш хусусида гапирадиганлар жуда кўп. Аммо "Нафс ўзи нима?", "Нафсни таниш қандай амалга оширилади?" деган саволларга берилган аниқ жавобларни топиш анча душвордир.

● Ўзбек адабиётида Ватан ҳақидаги фалсафий фикрлар Аҳмад Яссавий ҳиқматларидан бошланади.

● Инига чўп суқилса, ари ҳам одамга ёпишади, талайди. Юрт босиб олинса, вайрон этилса, элнинг қони тўкилса, ҳокимият зўронликка, қарамликка асосланса, одам фарзанди ари қадар қаршилик кўрсатмасикин?! Аричалик ҳам қаҳри йўқми унинг?!

● ... "Бобурнома" миллатимизнинг ўзига хос мардлик, жасорат ва ғолиблик қомуси ҳамдир.

Директор – Бош муҳаррир
Райимжон Ортиқбой ўғли
АЛИБОВЕВ.

Бош муҳаррир ўринбосарлари:
Муроджон АБУБАКИРОВ.
Авазхон БҮРОНБОВЕВ.

Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.

Масъул шахслар:

Туркистон, Саерон – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.
Кентов, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97.
Тулебий – Баҳорой ДУСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.
Қазигурт – Хуршид КҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42.
Сайрам – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90
Тулқибой – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7747-144-60-71.
Жетисай, Мақтаарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97
Келес, Саригонч – Малика ЭЛПОЕВА. +7702-841-78-82

Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги.
Мулк эгаси – «Жанубий Қозғоғистон» вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти» масъулияти чекланган биродарлиги.

● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги уқун мутахассислар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга олинди.
KZ34VRY00022503 сувоҳнома берилган.

«ERNUR» МЧБ Босмаҳонасида чоп этилди.
Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.

Қозғоғистон Республикасида тарқатилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

160000, Шимкент шаҳри,
Тауке хан шоҳқўчаси, 6-уй, 3-қават.
Телефон: 53-07-10. Телефакс: 53-04-66.
Электрон почта: janubiy@inbox.ru

Нашр кўрсаткичи – 65466.

Адади – 12500 нуска.

Бюроғим:

Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВЛОНОВА.